Кўпмиллатли халқимиз – бизнинг энг катта бойлигимиз, юртимиздаги миллатлар ва конфессияларaро ҳамжиҳатлик – барча ютуқ ва марраларимизнинг мустаҳкам асосидир.

Шавкат МИРЗИЁЕВ

O'zingni angla!

Hurriyat

Mustaqil gazeta

2024-yil
24-aprel
chorshanba
№ 17 (1392)

Gazeta 1996-yil dekabrdan chiqa boshlagan ⋆ www.uzhurriyat.uz ⋆ gazhurriyat@mail.ru ⋆ t.me/hurriyatuz ⋆ Hurriyat gazetasi

## ОГОҲЛИК



# САЛОМАТЛИК – ҒАНИМАТ НЕЪМАТ

**“Gazeta.uz”нинг Республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги маълумотига асосланиб берган хабарига кўра, 2022 йил 22 апрелгача “Док-1 Макс” сиропини қабул қилган болалардан 21 нафари шифохонага оғир аҳволда ётқизилиб, улардан 18 нафари вафот этган.**

**Шунингдек, сироп барча болаларга шифокорнинг тавсиясисиз, ота-оналарнинг ўз ихтиёри билан шамоллашни даволаш мақсадида ўзбилармонлик билан қўллангани; вафот этган болаларга шифохонага тушгунга қадар таркибида парацетамол бўлган бу препарат уй шароитида 2-7 кун мобайнида кунига 3-4 маҳал 2,5-5 мг дан ичирилгани аниқланган. “Табиийки, бу дозировка болалар учун белгиланган меъёрдан анча ортиқ”, — дейилган Вазирлик хулосаларида.**

**Ўнлаб болалар нобуд бўлганидан кейин ҳуқуқ-тартибот идоралари ўрганишларни бошлади. Маълум бўлдики, Ҳиндистонда ишлаб чиқарилган “Док-1 Макс” сиропи дори-дармонларни текшириш ва уларни рўйхатдан ўтказиш масъулияти юкланган ташкилотлар томонидан текширилмасдан сотувга чиқариб юборилган, унинг таркибида этиленгликоль борлиги кейин аниқланган. Бу ҳақда оммавий ахборот воситаларида мунтазам, кенг ёритиб борилган бўлса-да, “дард устига чипқон” дегандек, янаям ачинарлиси, аламлиси шундаки, препаратни ота-оналар томонидан ўзбошимчалик билан, айрим ҳолларда шифокорлар тавсияси билан шамоллаган болаларга ичириш давом этиб, бунинг оқибатида қарийб икки йил давомида болалар ўлимлари қайд этилиб, нобуд бўлганлар сони 2024 йил бошларида 68 нафарга етди; оғир ва енгил даражада ногирон бўлиб қолганлар сони ҳам оз эмас.**

### Дорилар кўпайиб, касалликлар камайдими?

...Болалик пайтимизда шаҳар ва қишлоқларда бир-иккита дорихона бўларди, асосан, марказда. Энди бўлса, айниқса, катта шаҳарларда, туман марказларида каттаю кичик, узун-қисқа кўчаларнинг қай бирига йўлинг тушса, албатта, рўпарангдан “Дорихона” чиқади. Айрим жойлар ҳатто “Дорихоналар шаҳарчаси”га айланган. Дори-дармонларнинг асл вазифаси, моҳиятидан келиб чиқиб хулоса чиқарсак, бундай вазиятда аҳоли орасида касалликлар кескин камайиши керак эди...

Тиббиёт фанлари доктори, экология бўйича Халқаро сертификат соҳиби, халқаро маърузачи Луи Броуер шундай таҳлилий далиллар келтиради: Швейцария аҳолиси 1930-1990 йилларда эллик фоизга кўпайди. Вазият ўзгармай қолган тақдирда бу даврда касалликлардан одамларнинг нобуд бўлиши ҳам эллик фоизга ортиши керак эди. Аслида, ўрганилаётган давр доришунослиги ва дори ишлаб чиқаришнинг тараққиёти ҳақидаги маълумотларга қараганда, бу кўрсаткич анча камайиши мантиққа тўғри келади. Бироқ...

Берндаги Федерал статистика маркази далилларига кўра, 1910 ва 1960 йил маълумотлари солиштирилганда, ярим аср оралиғида Швейцарияда аҳоли сони икки баробар, саратон касаллиги туфайли ҳаётдан кўз юмганлар сони эса тўрт баробар ортди. Бошқа касалликлар асорати оқибати билан ҳам худди шундай манзара кузатилган. Яна эътиборли рақамлар: айни шу мамлакатда 1930 йил билан 1991 йил статистик маълумотлари солиштирилганда, транспорт ҳалокати, қотилликлар ва бошқа бахтсиз ҳодисалар туфайли вафот этганлар аҳолининг кўпайиш даражасини ҳисобга олганда, 85% га камайган. Бу йиллар давомида транспорт воситалари ва уларнинг тезлиги қанчалик ошганини изоҳлаш шарт эмас.

Дорилару дорихоналарнинг кўпайиб боришига нисбат берилса, касалликлар ва уларнинг оғир асоратлари, оқибатлари геометрик прогрессияга мос ўсиб бораётгани янгилик бўлмай қолди. Кўп хасталиклар “ёшариб” кетди, ирқу миллат танламай қўйди. Бунинг асосий сабаби — нафақат дунё экологияси, балки дунё ичра “дунё”лар бўлган инсон жисми экологиясининг бузилиши эканлиги ҳақида олимлар бонг урмоқдалар.

### Ҳар вужуд — бир олам

Шифокорлар эътирофича, ўтган асрнинг 70-80 йилларидан бошлаб одамларда “Қайси шифокор беморга кўпроқ дори-дармон тавсия этса, у ҳақда “тажрибали ва билимдон” деган тасаввур пайдо бўла бошлади.

Лечение — бу қадим рус сўзи саломатлик ҳақидаги илм маъносини билдиради. Шифо сўзида ҳам инсон жисмига фойдали, керакли деган маъно бор. Лекин кейинги ўн йилликларда бу сўзлар моҳияти амалиётда ҳам, назариётда ҳам бирон касаллик юзага келгандан сўнг тиббий таъсир кўрсатиш маъносига тенглаштирилди.

2-б.

## РИШТА



# ТОЖИКИСТОНДА ЯНГРАГАН ҚАРДОШ НАВОЛАР

### Душанбе шаҳридаги “Кўҳи Борбад” санъат саройида Ўзбекистон ва Тожикистон санъат усталари иштирокида “Дўстлик оқшоми” бўлиб ўтди

**Тожик ва ўзбек халқлари дўстлиги бундан кейин янада мустаҳкамланишига шак–шубҳа йўқ. Дўстлик дарахти шунчалар бақувватки, у давр бўронларини, ногаҳон берилган зарбаларни назар-писанд қилмади, тўсиқларни мардонавор енгиб, қоматини ростлаб, гуркираб ўсаверди, кўкка томон бўй чўзаверди. Улар азал-азалдан бир-бирига яқин ва ҳамжиҳатдир. Қон-қардошлик ришталари билан чамбарчас боғланган бу халқларнинг ўзаро ҳамкорлиги ва дўстлиги ҳатто Ҳазрат Мир Алишер Навоий ва Мавлоно Абдураҳмон Жомий асарларида тараннум этилган.**

Ўзбекистон ва Тожикистон Республикалари Президентлари Шавкат Мирзиёев ва Имомали Раҳмоннинг оқилона сиёсати шарофати боис, азалдан эту тирноқ бўлиб келган икки қондош ва жондош – тожик ва ўзбек халқлари ўртасидаги азалий дўстликнинг узилмас ришталари кундан-кунга мустаҳкамланиб, элимиз шодиёналик билан яшаётгани, қўшничилик муносабатларида ҳамкорликнинг янги уфқлари очилаётгани кўнгилларга сурур ва шодлик бағишлаб, дўст дийдорига муштоқ дилларни хушнуд этмоқда. Дўстлик тушунчаси янги маъно кашф этиб, юқори зинага кўтарилаётганининг гувоҳи бўлиб турибмиз.

3-б.

## МОЛИЯ МУАССАСАЛАРИДА

**Куни кеча Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида “Бизнесни ривожлантириш банки” ва Япониянинг Ямагата университети ўртасидаги ҳамкорлик йўналишлари ҳамда кутилаётган натижалар” мавзусида матбуот анжумани ташкил этилди.**

Biznesni Rivojlantirish Banki

# ТАДБИРКОРЛАР ЯПОНИЯ ТАЖРИБАСИ АСОСИДА ЎҚИТИЛАДИ

### “Бизнесни ривожлантириш банки” ва Япониянинг Ямагата университети ўртасидаги ҳамкорлик

Унда банкнинг Бошқарув аъзолари, “Кичик бизнесни ривожлантириш жамғармаси” АЖ масъул ходимлари, Ямагата университети делегацияси аъзолари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этишди.

Маълумки, жорий йилнинг 12-18 апрель кунлари Япониянинг Ямагата университети делегацияси ҳамда “Кичик бизнесни ривожлантириш жамғармаси” ходимлари Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм ҳамда Бухоро вилоятларида бўлиб, маҳаллий тадбиркорлар иштирокида бир қатор ўқув семинарлари ўтказишган эди.

Шунингдек, “Кичик бизнесни узлуксиз қўллаб-қувватлаш” комплекс дастури иштирокчиси бўлган, ўқув курсларини тугатиб, махсус сертификат асосида имтиёзли банк хизматларидан фойдаланаётган тадбиркорлар фаолияти билан бевосита корхоналарнинг ўзида танишувлар ташкил этилди. Тадбиркорлик фаолиятини кўздан кечирган япон олимлари бизнесни тўғри ташкил этиш ва ривожлантириш юзасидан ўз тавсияларини бердилар.

– Хабарингиз бор, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 14 сентябрдаги “Кичик бизнесни ривожлантиришни молиявий ва институционал қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорига мувофиқ “Бизнесни ривожлантириш банки” АТБ “Кичик бизнесни узлуксиз қўллаб-қувватлаш” комплекс дастурини самарали амалга ошириш ва уни доимий равишда такомиллаштириб бориш бўйича асосий таянч банк сифатида белгиланган.

2-б.

## УЮШМА ФАОЛИЯТИДАН

# Ўзбекистонлик журналистларнинг Озарбайжонга ижодий сафари

**Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси томонидан бир гуруҳ журналистларнинг Озарбайжонга сафари уюштирилди. Ушбу ижодий сафар Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2022 йил 27 июндаги “Оммавий ахборот воситаларини қўллаб-қувватлаш ва журналистика соҳасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ижроси доирасида ташкил этилди.**




Ижодий гуруҳ таркибида “Ишонч” ва “Ишонч-Доверие” газеталари таҳририяти бош муҳаррири Ҳусан Эрматов, “Тонг юлдузи” газетаси бош муҳаррири Феруза Одилова, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги Халқаро ахборот таҳририяти шарҳловчиси Азиза Алимова ва бошқалар бор.

Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси раиси в.б. Холмурод Салимов бошчилигидаги медиа соҳа вакиллари дастлаб Боку шаҳридаги Озодлик ҳамда Нажав Наримонов кўчалари кесишмасида қад ростлаган буюк ўзбек мутафаккири Алишер Навоий ҳайкали пойига гул қўйдилар. Озарбайжонлик ҳамкасблар билан Навоий ҳаёти ва ижоди хусусида суҳбатлашилди. Мулоқот чоғида буюк мутафаккирнинг ғазал ва рубоийларидан намуналар ўқилди.

Таъкидлаш жоизки, дунё тан олган улуғ бобомиз хотирасига ҳурмат рамзи сифатида 2008 йилда бунёд этилган мазкур ёдгорлик муаллифи ўзбек архитектори Равшан Миртожиев ҳисобланади.

3-б.

## УМР САРҲИСОБИ

# ТАШАББУСЛАР ТАРОВАТИ

**Оққан дарё оқмасдан қолмас, деганларидек, ғиждувонликларнинг илм-фанга бўлган қизиқиши-ю унинг юксак чўққилари сари интилиши кейинги асрларда ҳам изчил давом этиб келди. Улуғ ёзувчи, академик, филология фанлари доктори, профессор Садриддин Айнийга ўхшаган Ғиждувоннинг қатор-қатор асл фарзандларидан бири — Ўзбекистон Фанлар академиясининг академиги, физика-математика фанлари доктори, профессор Комил Муқимов фикримизнинг ёрқин далили.**

**Тўрт ака-ука зиёлининг кенжаси Комилжон — қишлоқ фарзанди. Унинг болалиги урушдан кейинги оч-ночорлик йилларига тўғри келди. Қорни тўйиб нон ея олмади. Кийгани ямоқ кўйлак билан йиртиқ калиш бўлди.**



Мактабга ҳам шу аҳволда қатнади. Ўқишдан кейин рўзғорнинг бир томонини кўтариб турган сигирни ўтлатгани олиб чиқиб, китоб мутолаа қилди. Кечаси липиллаб ёниб турган лампа ёруғида дарс қилиш имкони бўлмади. Кундузи онасининг юмушларига қарашишдан ортмаса-да, йўл-йўлакай уй вазифаларини бажаришни ҳам унутмади.

Ёзда ҳовлидаги шафтолини териб, бозорда сотиб, пулига дафтар-китоб олиб, қолганини онасига келтириб берди. Акалар эса ўзларидан ортмасдилар. Йўл-йўриқ кўрсатиб, маслаҳат бериб турсалар-да, моддий ёрдам беришга имконлари бўлмасди. Комилжон шароитнинг оғирлигини кўриб-билиб тургани учун акаларидан илтифот кутмади. Бу унинг хаёлига ҳам келмади. Аксинча, улардаги тиришқоқлик, қийинчиликдан қўрқмаслик, мақсад сари интилиш сингари кўплаб хислатларни ўзида кўришга ҳаракат қилди. Буларнинг хамиртуруши фақат ва фақат меҳнат ва ўқиш эканлигини, бундан ўзга йўл йўқлигини теран англади. Шу боис қўлидан китоб тушмади. Қўлидан китоб тушмагани учун ҳам аъло баҳоларга ўқиди. Айниқса, физика фани беҳисоб сиру синоатларга бойлиги асносида уни ўзига оҳанрабодек тортди. Комилжон кундан-кунга, ойдан-ойга, йилдан-йилга мазкур фан кўп нарсага қодирлигини, уфқлари чексизлигини янада чуқурроқ тушуна бориб, физикага доир дарсликдан ташқари китобларни излаб, топганларини қунт билан ўқиб, ўрганди. Ўқитувчисини ҳар дарс саволга тутиб, тушунмаганларини сўраб, маслаҳатлар олди. Юқори синфда ўқиётганида ушбу фандан қуйи синф ўқувчиларига сабоқ берди. Буларнинг бари Комилжоннинг орзусини мақсадга айлантирди. Ўқитувчилари иқтидорли бу ўқувчини қўллаб-қувватлабгина қолмай, олдинга, фақат олдинга интилишга ҳам илҳомлантириб, ҳам рағбатлантириб турдилар. Болалигидан сабр-қаноатли, камтар, хушфеълу самимий бўлган Комилжон устозларининг ғамхўрлигига “Энг намунали ўқувчи” номи билан жавоб берди. Бу хислат унинг университет ва ундан кейинги ҳаётида ҳам сақланиб қолди. Илм-фаннинг янги-янги ҳайратли-ю машаққатли чўққиларини эгаллашида руҳлантириб, шижоату қанот бахш этди.

* * *

“Сен менга дўстингнинг кимлигини айтсанг, мен сенинг кимлигингни айтаман”, деган экан донишмандлардан бири суҳбатдошига. Бу саволга Комил Муқимович: “Менинг суянган тоғим ҳам, ишонган боғим ҳам, отамиз ўрнида оталик қилган (Худойим охиратларини обод қилсин) меҳрибон акам — Йўлдош Муқимов”, деб жавоб бердилар. Йўлдош Муқимов... Бу кишини республикамизнинг катта авлод вакиллари, шунингдек, ижод аҳли жуда яхши билади.

3-б.

# САЛОМАТЛИК — ҒАНИМАТ НЕЪМАТ



1-б.

Кимёвий йўл билан олинган дори воситалари касалликка қарши қўлланилмоқда. Бунга асос дорини жониворларда синаб кўриб чиқарилган хулосалардир.

Физиолог Клод Бернар 1947 йилдан бошлаб жониворлар устидаги тажрибаларига асосланиб: "Бир-бирига ўхшаш ва ўхшаш бўлмаган жисмларда ташқи таъсир ёрдамида нозик, мураккаб ўзгаришлар ясаш ва кутилган натижага эришиш мумкин", — деган фикрни ўзига аксиома қилиб олганди. Лекин йиллар ўтиши билан у: "Ҳар қандай жисмда ҳам ташқаридан бошқариш мумкин бўлмаган ички сабаб оқибатида юз берадиган ўзгаришлар, ўзига хосликлар бор, шунинг учун у билан муносабатда охирги натижага қатъий ишонч бўлиши шарт. Жонли мавжудот билан ишлаганда, ташқи таъсирлардан ташқари, ҳар бир жонзотнинг индивидуал, яъни ички оламининг хусусиятлари билан боғлиқ жиддий мураккабликлар юзага келишини ҳисобга олиш керак", — дея ўзининг аввалги аксиомасига қарши фикрни тан олади.

Неча ўн йиллар давомида жониворлар устида тажрибалар олиб борган Клод Бернар "бешафқатлик" илми бўйича ҳамкасблари қуршовида ўлим тўшагида ётаркан, ўз ёрдамчисига: "Бизнинг қўлларимиз бўш, лабларимизда эса ваъдалар қолди, холос", — деб шивирлаганди.

У умр бўйи ўтказган тажрибалари инсоният зарарига ишлашини англади. Унинг тарих олдида юзини ёруғ қилган ягона қутлуғ иши — хатосини тан олди. Бунинг моҳияти шуки, турли жониворлар устида олиб борилган тажрибалардан чиқарилган хулосани нафақат бошқа турдаги жонзотларга, балки айни тажриба ўтказилган жонивор қавмига ҳам бирдек кўр-кўрона қўллаш мумкин эмас экан.

Дори-дармонлар ҳақида ҳам шу фикрни айтиш мумкин. Дейлик, бизга оддийгина туюлган бош оғриғи босилиши учун қўлланиладиган бир дори ҳар кимга ҳар хил таъсир этиши мумкин ва асоратлари ҳам турлича бўлади. Сабаби, биринчидан, ҳар бир инсон танаси ўзига хос шароит ва имкониятларга эга бўлган олам; иккинчидан, бош оғриғини келтириб чиқарадиган бир неча сабаблар мавжуд. Ана шу ўзига хослик ва сабабларни аниқламасдан туриб ичилган дори оғриқнинг вақтинча босилишига сабаб бўлади, холос. Лекин вужуд экологиясини заҳарлайди.

"Тез-тез бошим оғрийди", "Жиғилдоним қайнайди", "Овқат ошқозонимда туриб қолгандай бўлади...", "Бошим айланяпти", "Қон босимим ошди" каби шикоятлар билан доимий равишда дори ичиб юрганлар касалликнинг илдизини қуритмагунча, ўзларини вақтинча тинчлантирадилар. Ноўрин қабул қилинаётган дори-дармон асоратсиз кетмайди.

"Нотўғри ичилган дори касаллик келтириб чиқаради ва инсон танаси фаолиятини бузади, — деб ёзади машҳур шифокор Жан Ростан. — Бунинг оқибатида биологик оғриқ кучаяди, сурункали тус олади. Саломатлик кескин ёмонлашади. Охир-оқибат шундай босқич бошланадики, даво излаб қабул қилинаётган дорилар касалликларни келтириб чиқарувчи манбага айланади, мижозларни атрофига оҳанрабодай тортади; мунтазам даволанишга эҳтиёжмандлар табақаси шаклланади. Инсоният ўз келажагини дори-дармонларсиз тасаввур қила олмайдиган, жамиятга нафи кам шахслардан иборат бўлиб қолишини истаймизми?"

Кейинги ўн йилликларда дори-дармон ишлаб чиқариш саноати айрим шахслар, мамлакатлар учун беҳад катта иқтисодий фойда топиш манбаига айланиб қолганини англасак, дорихоналарнинг "болалаб" кетгани, кимёвий дориларнинг янги-янги турлари келиб чиқаётгани сабаби ойдинлашади.

## Дори қутиларимизда нималар бор?

XXI аср муқаддимасида дунё дори ишлаб чиқариш саноати томонидан сотувга чиқарилаётган воситалар орасидаги 330 дан ортиқ кимёвий дорилар инсон саломатлигига исталмаган таъсир кўрсатаётгани аниқланган. Булар: жигар, қон босими, нафас олиш тизими, буйрак, буйрак усти бези, тери, ошқозон-ичак ва юрак-қон томир тизими, асаб, кўриш ва эшитиш қобилияти, ҳомиладорликнинг кечишига салбий таъсир этаётган дорилардир.

Бутунжаҳон Соғлиқни Сақлаш Ташкилотининг хулосасига кўра, "Ҳамма касалликларни даволаш учун 200 хил атрофида дори етарлидир". Аммо ҳозирги давр фармацевтика бозорида 10000 хилдан ортиқ дорининг сотилиши худди пашшага қарши атом бомбасини ишлатиш демак.

Дориларнинг аксарияти нимагадир "қарши" — ақлий ва жисмоний сиҳатликни табиий малҳамлар, витамин ва табиий тузларни истеъмол қилиш, тўғри овқатланиш ва соғлом турмуш тарзи орқали таъминлаш ўрнига бу дорилар худди заҳар каби танамизда ниманидир йўқотишга хизмат қилади. Масалан, антибиотиклар микроорганизмни генетик жиҳатдан ўзгартириб, мутант организмга айлантириб қўяди. Айнан шу сабабли ҳадеб дориларни қабул қилавериш бора-бора натижа бермай, аниқроғи, дорилар таъсир қилмай қўяди. Одатда, антибиотиклар уч хил вазифани бажаради: бактериялар ривожланишини тўхтатади, бактериялар ва касалланган тўқималарни бузади ва уларни йўқотади — булар дориларнинг тавсияномасида ёзилмайди.

Катталарнинг кимёвий дориларга "бошқоронғилиги" асоратлари камлик қилгандек... Вақтинча тинчлантириш, вақтинча иситмасини тушириш, томоғини даволаш... учун гўдаклар, ёш болаларнинг гулдек вужудини кимёвий дорилар билан заҳарлаб, касалликлар "гулдаста"сига айлантириш, афсуски, башарият ва унинг ажралмас қисми бўлган бизнинг халқимиз ҳаётида ҳам оғриқ нуқталаридан бирига айланмоқда. Йўл-йўлакай жамоат транспортида, аёлларнинг катта-кичик давраларида айрим оналарнинг: "Боламнинг иситмаси чиқиб турганди, томоғи (боши, оёғи...) оғриётганди. Боғча опасига дориси билан ташлаб келяпман", қабилидаги гапларини эшитганмисиз? Озгина ўзининг эътибори, қарови, парвариши, иссиққина таомлари билан тузатиб олиши мумкин бўлган боласини камида 15-20 нафар боланинг орқасидан кун бўйи югурадиган "боғча опа"га ташлаб қўйиб, касалликни газак олдирганлар, жигарбанди вужудини нотўғри ва ўз меъёрида қўлланмаса заҳардек емирадиган дориларга топшириб қўйганларнинг аксарияти аччиқ оқибатларни билмасликлари рост.

**Аброрхон МАҲМУДОВ, Республика ихтисослаштирилган педиатрия илмий-амалий тиббиёт маркази Болалар реаниматология ва интенсив даволаш бўлими шифокори:**

— Тошкент вилоятидан 11 ойлик болани оғир аҳволда олиб келишди. Онасининг айтишича, 2-3 кундан буён боланинг бурни битган, йўталган, тана ҳарорати кўтарилган. Она боласига ҳар сафар тана ҳарорати кўтарилганда, шифокор тавсиясисиз "Ибуклин юниор" таблеткасидан бера бошлаган, касалликнинг 4-кунига келиб беморда ҳолсизлик, тана ҳароратининг пасайиб кетиши (гипотермик ҳолат), уйқучанлик, қўлу оёқлари, тананинг совиши, иштаҳанинг кескин пасайиб кетиши кузатилган. Ушбу шикоятлар билан гўдак аҳволи оғирлиги туфайли болалар шифохонасининг жонлантириш бўлимига ётқизилди. Текширишлар натижасида беморда юқорида келтирилган шикоятлардан ташқари, юрак-қон томир тизими фаолиятида ҳам салбий ўзгаришлар юзага кела бошлагани, яъни юрак меъёрий ритмининг бузилиши — брадикардия ҳолати ҳам аникланди. Қилинган диагностика ва даво-муолажаларидан сўнг даволашнинг 4-5-кунларига келиб унинг аҳволида ижобий ўзгаришлар кузатила бошланди.

Дориларни (айниқса, тана ҳароратини туширувчи воситаларни) тартибсиз қўллаш болалар жигар фаолиятида, қон ивиш тизими фаолиятида кескин салбий ўзгаришларга сабаб бўлади, натижада турли хил қон кетишлар бола ҳаётига хавф солувчи асоратларга ҳам олиб келиши мумкин.

## Дунё моли саломатликка етмайди

Бугун оламшумул биолог олимлар, тиббиёт амалиётчилари инсониятнинг саломатлиги таназзулга юз тутмаслиги учун нафақат атроф-муҳитни, балки одамлар жисми экологиясини ҳам имкон қадар тоза сақлашга даъват этмоқдалар. Буни англаганлар орасида тананинг касалликларга қарши курашиш қобилияти — иммунитетини кучайтириш, саломатликни тиклаш ва даволанишда табиий воситаларга эҳтиёжмандлар ортиб бормоқда.

Лекин қабулига келган беморларга қайсидир компаниянинг янги дори-дармонларини тарғиб қилиб ўтирган шифокорлар кам эмас. Бу янги маҳсулот инсоннинг ғанимат ва бебаҳо соғлигига зарар келтирмаслигига уларнинг етарли асослари бормикин? Уйимизда тўпланиб қолган кераксиз чиқит ва ахлатларни исталган пайтда ташқарига олиб чиқиб ташлаш мумкин. Лекин вужудга кирган кераксиз кимёвий модда тананинг қай бир аъзосига чўкади, уни емиради, фаолиятини меъёрдан чиқаради.

Сўзимиз аввалида келтирилган "Док-1 Макс" сиропи касридан жувонмарг бўлган болажонлардан айримларининг ота-оналари ҳам суд жараёнида "юракларини ёрдилар": "... Боламнинг энг сўнгги кунлари жуда азоб билан ўтди...", "... Боламнинг буйраги ишламай, ўпкаси ҳам ишдан чиқа бошлади. Фалажлик бошланиб, комага тушиб қолди...", "...Онадан болани айирмасин экан..." Бу препаратнинг Ўзбекистонга келтирилиб, дорихоналарга тарқатилишида масъулиятсизлик, ўз бурчига хоинлик қилганлар жазоланишини истаганлар, талаб этганлар ҳам оз эмас. Қонун олдида ҳар ким қилмишига яраша жавобгарликка тортилди, жазосини олди. Аммо...

Бу чораларнинг бирортаси фарзанди бевақт оламдан ўтган ота-она бағридаги бир умрлик куюкка малҳам бўла олмайди. Шифокорларнинг, дорифурушларнинг, дори келтирувчиларнинг масъулиятсизлиги, ўз ишига номуносиблиги бир томон... лекин ҳаммамиз англашимиз шарт: гулмижоз фаришта — боласи озгина иситмалаб, озгина йўталиб, озгина ранги олиниб, озгина иштаҳаси бўғилган лаҳзаларда ҳамма ишини ташлаб, бемор дилбандини шифокорга олиб бормаган, мутахассис кўрсатмаси билан муолажа қилмаганларнинг дилини сира оғритгинг келмайди-ю... кўз олдингда ҳолсизланиб, оғриғу дарддан сарғайиб, дардини айтолмай кўзларингга мўлтираб нажот кутаётган жон риштасининг касали нимаданлигини чин мутахассисга олиб бориб аниқлаш, шунга кўра даволашни бошлашдан ҳам кўра муҳимроқ, заруррок, савоблироқ яна қандай иш бўлиши мумкин?! Ёнгинасидаги дорихонадан билимсиз-тажрибасиз ёки дорифурушликни пултопарликка айлантирган "учар"ларнинг "ўнг қўли"га айланган дори сотувчининг гапи билан дори олиб, уни боласига ичирганларнинг қисмати — аччиқ ибрат.

Ўзининг, оиласидаги ёш болаларнинг соғлик-саломатлигини асраб-авайлашда ҳар бир инсон аввало "ўзини топмаса", ўзи ва вояга етмаган фарзандлари жисму руҳияти олдидаги масъулиятини англамаса, на Луқмони ҳаким ва на XXI аср замонавий тиббиёти унинг ғанимат бойлигини тўлатўкис асраб беролмайди.

Табобат бобокалони Абу Али ибн Сино, унгача ҳам асрлар давомида одамлар саломатлигига масъулликни зиммага олган зоти шарифлар халқу элига садоқат, фидойилик, ростгўйлик билан хизмат қилдилар. Худди ана шундай фазилатлар билан халқ саломатлигига умрини, билим ва тажрибаларини тикиб яшаётган шифокорлар бугун ҳам оз эмас. Миллатимизнинг келажак насли чин маънода баркамол, соғлом бўлиши учун давою муолажаларнинг энг тўғри, самарали йўлларини қўллашда, соғлом турмуш тарзини шакллантиришда тиббиётимизнинг ана шундай ойдинлари биринчи навбатда ҳам назариётчи, ҳам амалиётчи, ҳам тарғиботчи бўлишлари шарт, деб ўйлаймиз.

**Мухтарама УЛУҒОВА,**
**Ўзбекистон Республикасида**
**хизмат кўрсатган маданият ходими.**

# ТАДБИРКОРЛАР ЯПОНИЯ ТАЖРИБАСИ АСОСИДА ЎҚИТИЛАДИ

**"Бизнесни ривожлантириш банки" ва Япониянинг Ямагата университети ўртасидаги ҳамкорлик**

1-б.

Дастурга асосан ташаббускорларнинг бизнес кўникмаларини шакллантириш йўналишидаги қисқа ва ўрта муддатли амалий ўқув курслари "Кичик бизнесни ривожлантириш жамғармаси" томонидан ҳудудларда ташкил этилган 14 та "Кичик бизнесга кўмаклашиш марказлари"да олиб борилмоқда, – деди "Кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш жамғармаси" директори маслаҳатчиси Дилафрўз Икромова.



Матбуот анжуманида қайд этилганидек, Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан тадбиркорларни ўқитиш жараёнига "Япония тажрибаси"ни татбиқ этиш ва бу борада Япониянинг етакчи таълим муассасалари билан ҳамкорликни йўлга қўйишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Жорий йилнинг 7 март куни Токио шаҳрида бўлиб ўтган Ўзбекистон-Япония бизнес форуми давомида "Бизнесни ривожлантириш банки" АТБ Бошқаруви раиси Сахи Аннакличев ва Ямагата университети президенти Хедитоши Тамате томонидан имзоланган шартнома ҳам айнан шу эзгу мақсадга қаратилгани амалий ишларнинг натижасидир. Ўзаро келишувга мувофиқ республикамиздаги 10 минг нафар тадбиркор Япония тажрибаси асосида ўқитилиши ва менторлар тайёрланиши мақсад қилинган. Курслар демаинд асосида шу йилнинг май ойи охиридан бошланади. Курсларда ўқиш тадбиркорлар учун бепул ва 100% япон мутахассислари томонидан ўзбек тилида амалга оширилади. Улар https://biznes-portal.uz/ платформаси орқали рўйхатдан ўтишлари мумкин.

Япониянинг нуфузли университети билан ҳамкорликда ўтказиладиган ўқув курсларида тадбиркорлар бизнес кўникмаларини ривожлантириш, бизнес-режани ишлаб чиқиш, лойиҳаларни молиялаштириш манбаларини топиш каби йўналишларда ўқитилади. Шунингдек, япониялик мутахассислар кўмагида маҳаллий кадрлар орасидан менторлар тайёрланади. Келгусида эса "Кичик бизнесни ривожлантириш жамғармаси" томонидан тадбиркорларни ўқитиш ишлари менторлар ёрдамида ташкил этилиши режалаштирилмоқда экан.

Анжуманда мазкур муҳим вазифа ижросига киришишда дастлаб университет вакиллари қатор ҳудудларда бўлиб, тадбиркорлар билан бевосита мулоқот қилишгани ва илк ташриф якунлари бўйича ҳам маълумот берилди.

— Ташрифимиз доирасида шу кунга қадар Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм ҳамда Бухоро вилоятларида тадбиркорлар билан учрашувлар ташкил этдик. Хусусан, мазкур шаҳарлардаги Кичик бизнесга кўмаклашиш марказларида маҳаллий тадбиркорлар учун ўқув семинарлари ташкил этилиб, тадбиркорлар бизнесни бошқаришнинг япон методи билан таништирилди. Мавжуд имкониятлардан фойдаланган ҳолда тадбиркорлик фаолиятини янада кенгайтиришга доир муҳим ва фойдали тавсияларимизни бердик. Энг асосийси, бошланадиган асосий машғулотлар янада самарали бўлишига тайёргарликнинг муҳим жиҳатлари бўйича аниқ вазифалар белгилаб олинган, – деди Ямагата университети профессори Тадаши Онодера.



Шуниси қувонарлики, тадбиркорликка ўқитиш дастурининг Леан Манагемент методикаси илк бор Ямагата университети томонидан Ўзбекистонга олиб кирилмоқда.

**Маълумот ўрнида:** *1949 йилда ташкил этилган Ямагата университети Япониянинг миллий университети бўлиб, жаҳондаги энг яхши 600 университет қаторига киради. Ямагата университети 18 мамлакатдаги 48 та университет ва институтлар билан ҳамкорлик қилади. У ерда фаолият юритадиган профессор олимлар АҚШнинг "Силикон водийси"даги нуфузли компаниялар, "Lenovo", "Mitsui" каби корпорацияларнинг бошқаруви аъзолари бўлишган.*

**Ислом ЭГАМБЕРДИ ўғли.**

## ИНСОН ЎЗИНГ

# УЛАР МАЖНУНА ЭМАС...



**Болалигимда қишлоғимизда ҳамма савдойи деб биладиган бир аёл бўларди. Ҳеч кими йўқ ва акасининг уйида умрини ўтказиб келаётган бу ожизани кўча-кўйда кўрган ёш-яланглар мазах қилишар, индамаса ҳам кесак отиб қочишарди. Бундай кишилар тажовузкор бўлади, деб эшитганим учун мен ҳам ундан ҳайиқиб юрардим. Бировга ёмонлиги ўтмаган, аксинча, одамларнинг тўй-маъракаларида беминнат хизмат қилар, далада кетмон чопиб тирикчилик қиларди. Вақт ўтиб оилавий зўравонликлар, тазйиқлар ва адолатсизликлар аёлни шу кўйга солганини англаб етдим. Йиллар ўтди, аёл кўринмай қолди. Кейин яқинлари уни махсус пансионатга жойлаштирганлигини эшитдим. Бундай тақдирларга, албатта, ачинасан киши...**

Қалби кемтикларни эъзозлаш, уларга ғамхўрлик қилиш масалаларига бизда қадрият сифатида қараб келинган. Юртимизда бугун ҳам азалий анъаналарга содиқлик руҳини илғаш қийин эмас. Айниқса, "Саховат" ва "Мурувват" интернат уйларида давлат қарамоғига олинган шахсларга тиббий-ижтимоий хизматлар кўрсатишни ҳар жиҳатдан такомиллаштириш ишларига катта эътибор қаратилмоқда. Жамиятда хотин-қизларнинг ўрнини мустаҳкамлаш, гендер сиёсати тобора устувор аҳамият касб этиб, оилаларда хотин-қизларга бўлаётган зўравонликлар ва тазйиқларга барҳам бериш бўйича ҳам тизимли ишлар қилинаётганлиги, ишсиз қатламнинг бандлиги таъминланиб, аёлларга тиббий, психологик ёрдамлар кўрсатилаётганлиги қувонарли ҳолдир.

## Кўҳна девор ортидаги сўлим бир гўша

Бухородаги "Мурувват" ногиронлиги бўлган аёллар учун интернат уйи икки гектардан зиёдроқ ҳудудда, кўҳна қалъа деворлари адоғидаги манзилда қўним топган. Бир замонлар бухороликларга қалқон вазифасини ўтаган иҳота девори ҳозир ҳам қисман сақланиб қолган. Душман авиацияси ҳужуми пайтида ва ундан кейин ҳам бу деворлар вайрон қилинган. Бизгача уларнинг бир қисмигина етиб келган.

Ўзига хос баҳаво, манзарали жойда жойлашган интернат уйи ногиронлиги бўлган болалар учун интернат уйига, бир қатор муассасалар ҳамда аҳоли пунктига туташ жойлашган. Уч юз нафардан ортиқ васийликка олинган аёлларга мўлжалланган масканда икки юздан ортиқ ишчи-хизматчи меҳнат қилмоқда. Уларнинг 16 нафари шифокор, 43 нафари ҳамшира ҳамда 102 нафари кичик тиббий ходимлардир.

— Муассасада руҳий-асаб тизими касалликлари оқибатида 1-2-гуруҳ ногиронлиги бўлган шахсларга тиббий-ижтимоий хизматлар кўрсатиб келинмоқда. Аёллар асосан, шизофрения, эпилепсия, ақлий заифлик, деменция каби ташхислар билан келтирилган ва улар доимий назоратимизда. Васийликка олинганлар Бухоро, Навоий, Самарқанд, Жиззах, Наманган, Сурхондарё, Сирдарё, Тошкент, Хоразм вилоятларидан қабул қилиб олинган. Яшовчилар учун барча шароитлар яратилган бўлиб, уларга ҳар куни тўрт маҳал — сифатли ва калорияга бой маҳсулотлардан тайёрланган таомлар берилади, — дейди биз билан суҳбатда муассаса бош тиббий ходими Дониёр Итолмасов.

Албатта, ташкил этилганига эллик йилдан ошган интернат уйида яратилган шароитлар муқояса қилинадиган бўлса, ўтган йиллар орасида бу ерда кўплаб ўзгаришлар бўй кўрсатганини билиш мумкин. Узоққа бормайлик: коронавирус пандемияси даврида ётоқ беморлари учун 55 ўринли бино, шунингдек, маъмурият ва тиббиёт бўлими учун янги бино қуриб, фойдаланишга топширилди. Кейинроқ асосий бинога кираверишда беморларнинг қариндошлари билан учрашиб суҳбат қуришларига шароит яратиш мақсадида махсус айвонлар (беседка) ташкил этилди.

Хўжалик ишлари бўйича директор ўринбосари Р.Шодиевнинг таъкидлашича, барча бўлимларнинг фойеларига телевизорлар, ҳаво совиткичлар ва бошқа мебель жиҳозлари қўйилган. Ҳаракатланиш имконияти чекланган аёлларга электр юритмали кресло-аравачалар олиб берилган. Ошхона замонавий қиёфага келтирилиб, янги стол-стуллар билан жиҳозланган.

"Яшил макон" лойиҳаси доирасида бу ерда эътиборга молик ишлар қилингани сезилади, албатта. Ҳовлига қадам қўйишимиз билан теварак-атрофга экилган турли мевали ва манзарали дарахт ниҳоллари ҳамда гул кўчатлари эътиборимизни тортди. Аҳамиятли жиҳати — интернат уйи ўз иссиқхонасига ҳам эга. Иссиқхонада лимон, кўкатлар ҳамда турфа гуллар парваришланмоқда экан.

Интернат уйи яшовчиларини соғломлаштириш асосий масала. Физиотерапия хонасида 13 турдаги аппаратлар мавжуд бўлиб, УТТ, тубус-кварц, дарсонваль, электросон, магнитотерапия, лазеротерапия, электрофарез, "Цзин-да", "Ulaizer" ингалятор, "Соллюкс", чироқли ванна, УВЧ, ЭКГ аппаратлари уларнинг хизматида. Даволовчи жисмоний тарбия хонасида велотренажёрлар, югуриш йўлакчаси, стол тенниси, шашка-шахмат ва бошқа машғулотлар учун шароитлар яратилган. Шифокорлар тавсиясига кўра, аёллар ўн хил спорт тури билан шуғуллантирилади. Алоҳида уқалаш хонаси ҳам ташкил этилган экан.

Бу гўшада умргузаронлик қилиб келаётган нозик хилқат эгаларининг маданий ҳордиқ чиқаришлари, уларнинг маънавий-маърифий тадбирларга ҳамда тўгаракларга жалб этилиши борасидаги ишлар билан қизиқдик. Интернат уйи ижтимоий ходими Соҳиба Хўжаева шахсий юмуш билан қаергадир кетган экан. Бу борада амалга оширилган ишлар билан бизни кутубхоначи Дилафрўз Тошева таништирди. Васийликка олинганлар қизиқиш ва лаёқатларига қараб китобхонлик, тикувчилик, тўқувчилик, арт-терапия (тасвирий санъат ёрдамида мижознинг психо-эмоционал ҳолатига таъсир ўтказувчи терапия), "Моҳир қўллар", сартарошлик, пазандачилик каби тўгараклар ва машғулотларга қамраб олинаётган экан. Ҳозирда қирқдан ортиқ хотин-қиз китоб мутолаасига лаёқатли бўлиб, улар кутубхонанинг доимий йўқловчилари ҳамдирлар. Улар ўтказиб келинаётган китобхонлик ва шеърхонлик кечаларида ҳам доимо фаол. Ҳафтанинг белгиланган кунида бир марта "Меҳр ва саховат куни" доирасида турли концерт дастурлари, бадиий кеча ва учрашувлар, маданий-маърифий тадбирлар ўтказиб келинмоқда.

8-б.

# Ўзбекистонлик журналистларнинг Озарбайжонга ижодий сафари

1-б. Ўзбекистонлик журналистларнинг ижодий сафари иккинчи куни якшанба — дам олиш кунига тўғри келганига қарамасдан жуда мазмунли кечди. Гуруҳ аъзолари Ганжа шаҳрига бориб, улуғ мутафаккир Низомий Ганжавийнинг мақбарасини зиёрат қилдилар ва музейида сақланаётган экспонатлар билан танишдилар.

Ҳамкасбларимиз шу сафар давомида Ўзбекистоннинг Озарбайжондаги элчихонаси томонидан Ганжада икки кун аввал очилган консуллик бўлимида ҳам бўлди. Ушбу консуллик ўзбекистонлик илк меҳмонлар сифатида юртимизнинг медиа соҳаси вакилларини қарши олди.

Ижодий сафарнинг учинчи куни ўзбекистонлик журналистлар "Озарбайжон" газетаси таҳририятига бордилар ва ушбу нашр билан яқиндан танишдилар. Уларга мазкур газетанинг ташкил этилиш тарихи, таҳририят босиб ўтган машаққатли ва шарафли ижод йўли, шунингдек, "Озарбайжон" газетасининг бугунги кундаги фаолияти, саҳифаларида ёритилаётган долзарб мавзулар ҳақида батафсил маълумот берилди.

Суҳбат жараёнида икки мамлакат оммавий ахборот воситалари ўртасида ўзаро манфаатли алоқалар ўрнатилиши, босма нашрларнинг бугунги шароитга трансформацияси, замон талабидан келиб чиқиб, газеталарга янгича ёндашувларни татбиқ этиш каби масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Гуруҳ аъзоларининг навбатдаги манзили "Халқ газетаси" таҳририяти бўлди. Озарбайжон Республикаси Президентининг Ишлар идораси муассислигидаги ушбу газета ҳар куни 4 минг нусхада чоп этилади.

Ўзбекистонлик ва озарбайжонлик журналистлар мулоқотида бугунги кунда босма нашрлар олдида турган муҳим вазифалар, газеталарнинг тезкор замон талабларига мослашиши, босма нашрларнинг жамият ҳаётида тутган ўрни ва аҳамияти, ёритилаётган мавзулар юзасидан фикрлашиб олинди.

Маълумки, Ўзбекистонда миллий журналистиканинг ривожланиши бўйича Ўзбекистон Журналистлар уюшмасининг I миллий маърузасида Уюшма хорижий давлатлардаги медиа ташкилотлар билан ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйиши белгиланган. Ушбу вазифа ижроси доирасида Боку шаҳрида Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси билан Озарбайжон Матбуот кенгаши ўртасида ҳамкорлик меморандуми имзоланди.

Шу муносабат билан ташкил этилган тадбирда икки мамлакат раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар ижроси самаралари, ўзбек ва озар халқларини азалий дўстлик, қардошлик ришталари ўзаро боғлаб туриши ҳақида сўз юритилди. Ўзбекистон ва Озарбайжон оммавий ахборот воситалари ўртасида ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлаш, соҳа вакилларининг тажриба алмашувини самарали йўлга қўйиш каби масалалар хусусида фикр алмашилди.

Мулоқот чоғида Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси раиси в.б. Холмурод Салимов мамлакатимизда Президент Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида медиа соҳа ривожи йўлида амалга оширилаётган ишлар, Ўзбекистон ва Озарбайжон ОАВ ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларини янги босқичга кўтариш каби масалалар хусусида сўз юритди.

Озарбайжон Матбуот кенгаши раиси Рашад Межид халқларимиз ўртасидаги муносабатларнинг илдизлари узоқ ўтмишга бориб тақалиши, анъаналар, маънавий қадрият ва маданиятларимиз муштараклиги, икки мамлакат журналистларининг ҳамкорлик истиқболлари, уларнинг самарали тажриба алмашуви юзасидан ўз фикрларини билдирди.

Имзоланган ҳамкорлик меморандумида дўстона муносабатларни мустаҳкамлаш, ўзаро тажриба алмашиш, биргаликда халқаро конференциялар ва матбуот анжуманлари ўтказиш, пресс-турлар ташкил қилиш, Ўзбекистон ва Озарбайжон оммавий ахборот воситалари ўртасида ўзаро манфаатли алоқалар ўрнатилишини қўллаб-қувватлаш каби қатор вазифалар кўзда тутилган.

Тадбир якунида Озарбайжон Матбуот кенгаши раиси Рашад Межидга Ўзбекистон Журналистлар уюшмасининг совғаси топширилди.

Ўзбекистонлик журналистларнинг ижодий сафари давом этмоқда.

**Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси**
**Ахборот хизмати.**

# ТОЖИКИСТОНДА ЯНГРАГАН ҚАРДОШ НАВОЛАР

## Душанбе шаҳридаги "Кўҳи Борбад" санъат саройида Ўзбекистон ва Тожикистон санъат усталари иштирокида "Дўстлик оқшоми" бўлиб ўтди






1-б. Икки халқ дўстлигининг равнақ топиши учун қулай муҳит яратилиб, энг яхши анъаналаримиз қайта тикланаётгани қувончли воқеа, албатта.

Хабарингиз бор, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмоннинг таклифига биноан жорий йилнинг 18–19 апрель кунлари давлат ташрифи билан ушбу мамлакатда бўлгани икки халқнинг тарих саҳифаларига зарҳал ҳарфлар билан битилди.

Ўзбекистон ва Тожикистон ўртасида маданий-гуманитар соҳадаги ҳамкорликни янги босқичга кўтариш мақсадида Душанбе шаҳрида 15-20 апрель кунлари "Ўзбекистон маданияти кунлари" ўтказилди. Ушбу йирик маданий дастур доирасида "Ўзбекистон ва Тожикистон ижодкор ва илмий зиёлилари анжумани", "Ўзбек киноси кунлари", Ўзбекистон театрларининг Тожикистонга гастроллари, Юнус Ражабий номидаги "Мақом" ансамбли концерти ташкил этилди.

Ўзбекистон халқ артисти, маданият вазири Озодбек Назарбеков бошчилигида бир гуруҳ маданият ва санъат намояндалари, жумладан, Ўзбекистон ва Тожикистон халқ артисти Фаррух Зокиров, Ўзбекистон халқ артисти Абдуҳошим Исмоилов, Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон халқ артисти Муножот Йўлчиева, Ўзбекистон халқ артисти, Тожикистонда хизмат кўрсатган артист Юлдуз Усмонова, Ўзбекистон халқ артисти Оғабек Собиров, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар Гулбаҳор Эрқулова, Илёс Арабов, Маъсума Болтабоева, Ойгул Нодирова ва бошқа санъаткорлар маданият кунлари доирасида ўз чиқишлари билан иштирок этишди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмон муштарак тарихий мерос, маънавий қадрият ва анъаналаримизни асраб-авайлаш ва тарғиб қилиш бўйича самарали фаолияти, шунингдек, биродар халқларимиз ўртасидаги дўстлик ришталарини мустаҳкамлашга қўшган муносиб ҳиссаси учун икки мамлакат маданият ва санъат арбобларининг бир гуруҳига фахрий унвонлар бердилар.

Мамлакатимиз етакчисининг давлат ташрифи доирасида ушбу унвонлар билан тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

Тожикистон миллий консерваторияси ректори Мирали Дўстизода, Тожикистон миллий консерваторияси доценти Исмоил Назриев, Тожикистон ҳукумати ҳузуридаги Телевидение ва радио қўмитасининг Ф.Шахобов номидаги "Шошмақом" ансамбли раҳбари Фурқат Саидзода, Бобожон Ғафуров тумани шошмақом ансамбли раҳбари Тўлқин Тожибоев, А.Жўраев номидаги Тожикистон давлат филармонияси "Фалак" ансамбли бадиий раҳбари Раҳматулло Ҳошимов "Ўзбекистон Республикаси халқ артисти" фахрий унвонига сазовор бўлди.

Ўзбекистон миллий мусиқа санъати институти "Мақом хонандалиги" кафедраси профессори Муножот Йўлчиева, Ўзбекистон Республикаси маданият вазири Озодбек Назарбеков, Ўзбекистон давлат филармонияси "Лазги" ашула ва рақс ансамбли бадиий раҳбари Оғабек Собиров ва хонанда Юлдуз Усмоновага "Тожикистон халқ ҳофизи" фахрий унвони, Ўзбекистон миллий академик драма театри директори Ёдгор Саъдиевга "Тожикистон халқ артисти" фахрий унвони берилди.

Давлат раҳбарлари фахрий унвонлар нишонларини ўз соҳибларига тантанали равишда топширдилар.

Душанбе шаҳридаги "Кўҳи Борбад" санъат саройида Ўзбекистон ва Тожикистон санъат усталари иштирокида "Дўстлик оқшоми" бўлиб ўтди. Давлат раҳбарлари концертни биргаликда томоша қилдилар. Миллий ва замонавий мусиқа санъати намуналари, мамлакатлар ўртасидаги дўстлик ришталари тараннум этилди.

Икки мамлакат санъат усталарининг бундай концертлари халқларимиз ўртасидаги абадий ва самимий дўстликни ифодаловчи яхши анъанага айланган. Зеро, меҳр-оқибатли бўлиш, тинч-тотув яшаш – халқларимизнинг азалий орзуси ва самимий интилишидир. Бугун ушбу орзу-интилишлар ҳаётга кўчмоқда, мамлакатларимиз етакчиларининг иродаси ва саъй-ҳаракатлари туфайли халқларимиз янада яқинлашди, давлатлараро муносабатлар иттифоқчилик даражасига кўтарилганини алоҳида эътироф этиш жоиз.

Дўстлик дарахтининг ўз боғбонлари бор. Икки халқнинг улуғ сарварлари боғбонлик қилаётган бу дўстлик дарахти асрлар оша барқ уриб яшнайверади. Оқил ва доно раҳбарларимиз бор экан, дўстлик дарахти дилларни бир-бирига боғлайверади.

**Ислом АСИЛБЕКОВ,**
**"Hurriyat" мухбири.**

# ТАШАББУСЛАР ТАРОВАТИ

1-б. Умри қалам тебратиш билан ўтган Йўлдош Муқимов Ўрта Осиё давлат университетининг филология факультетини битириб, бироз вақт ўқитувчилик қилди. Кейин бутунлай ижодга берилиб, узоқ йиллар республика газета ва журналларининг турли лавозимлари "қозонида қайнаб", тажрибали матбуот ходими, таниқли публицист-ёзувчи бўлиб етишди. Ана шундай бир пайтда ўша даврдаги биринчи рақамли газета — "Правда"нинг Ўзбекистондаги махсус мухбири лавозимига таклиф этилди. Энди у республика раҳбари Шароф Рашидовдан тез-тез топшириқ олар, хизмат сафарида ҳамроҳлик қилар, марказдаги газеталарда чоп этилган мақола, репортаж ва очеркларида халқимизнинг матал, мақол, ҳикояту ривоятларини маҳорат билан ишлатар, ҳар бир материалида миллий руҳ барқ уриб турарди. Айниқса, адибнинг "Наврўз нақли" ва "Оталар сўзи ёхуд минг маржондан бир маржон" китоблари ривоятлар, нақллару афсоналарга бойлиги билан адабиётимиз равнақига муносиб ҳисса бўлиб қўшилганлигини эътироф этмай бўлмайди.

Мактабни олтин медаль билан битирган Комилжон ўзи чин дилдан севган физика фани оламини янада кенгроқ тадқиқ этиш мақсадида Ўрта Осиё давлат университети (ҳозирги Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети)нинг физика-математика факультетига ҳужжат топширади. У пайтда мактабни олтин медаль билан битирганлар олий ўқув юртига суҳбат билан қабул қилинар эди. Комилжон физика ва математика фанларидан суҳбатдан ўтиб, талаба деган номга муносиб кўрилади. Аъло ўқиганлиги ва илмга чанқоқлиги инобатга олиниб, 1961 йили Ломоносов номидаги Москва давлат университетининг физика факультетида ўқишни давом эттиришга юборилади. Ўқишни битиргандан сўнг, аспирантурада таҳсил олади ва Тошкентга қайтиб, номзодлик диссертациясини ҳимоя қилгач, катта ўқитувчи, доцент, кафедра мудири лавозимларида илмий-педагогик фаолият билан шуғулланади. Айни пайтда докторлик ишини ҳам назардан четда қолдирмайди ва уни 1988 йили Харьков шаҳрида муваффақиятли ҳимоя қилади. Унинг илмий-педагогик ва ташкилотчилик салоҳиятидан бохабар бўлган университет раҳбарияти катта ишонч билан факультет декани лавозимига таклиф этади. У таълим-тарбия жараёнининг пасту баландини, шунингдек, оғриқли нуқталарини яхши билганлиги учун белни маҳкам боғлаб, қатъият билан ишга киришиб, тез орада факультетни пешқадамлар қаторига олиб чиқади.

1992 йил профессор Комил Муқимов ҳаётида туб бурилиш даврини бошлаб берди. У Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони билан янги ташкил этилган Бухоро давлат университетининг биринчи ректори этиб тайинланди. Бу Тошкент ва Москва университетларида чиниқиб, етарлича илмий-педагогик тажриба орттирган Комил Муқимовга билдирилган юксак ишонч эди. Тўғри, соҳа бегона бўлмаса-да, аммо осон ҳам эмас. Айниқса, ўқув жараёни: тартиб-интизом, дарснинг сифати, ўзлаштириш, давомат... Хуллас, яна кўплаб ташкилий ишлар ҳам бор. Бирини бирисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Биттаси оқсаса бас, бу таълим сифатига таъсир этмай қолмайди. Буларнинг юқори савияда бўлиши кадрлар салоҳиятига бориб тақалади. Кимнинг нимага қодирлигини билиш бир кунлик ёки ўн кунлик иш эмас. Бу, аввало, ишнинг натижасига қараб баҳо беришни, сўраб-суриштиришни, адашмасликни, тўғри қарор қабул қилишни тақозо этади. Масаланинг яна бир нозик томони — янги жой ва янги одамлар. Комил Муқимовни жиддий ўйлантирган нарса шу бўлди. Чунки, янги жойнинг шарт-шароити-ю муҳитини, жамоанинг таълим-тарбия борасида олиб бораётган илмий-педагогик ютуқлари билан бирга камчиликлари-ю муаммоларини билмай туриб, катта бир университетда кўзланган эзгу ниятларга эришиш осон кечмасди. Шу боис етти ўлчаб бир кесишга ўрганган Муқимов яна акасига қулоқ тутди. Бир неча йил Бухорода ишлаган Йўлдош ака қошларини чимирганча бир зум ўйланиб туриб, деди: "Жой одамни эмас, одам жойни обод қилади. Бунинг учун тер тўкиб, ишлаш керак. Бу ҳалол, қатъиятли, адолатли, ташаббускор, ибратли бўлиш демакдир. Ана шундагина одамлар раҳбарга ишонади, унга эргашади. Мен буни Шароф Рашидов иш фаолиятида жуда кўп кузатганман. Бу улуғ инсоннинг раҳбарлик санъатига, одамлар билан ишлаш маҳоратига, билим ва тажрибасига, ҳавас қилгулик маънавияти-ю топқирлигига қойил қолмаслик мумкин эмас эди. У киши билан қилган суҳбатларим, олган маслаҳатларим нафақат ижодимда, балки тақдиримда ҳам ўчмас из қолдирганини ҳамиша мамнуният ва фахр билан эслайман".

1995 йилда Муқимов ташаббуси билан республикада биринчилардан бўлиб университет профессор-ўқитувчиларига дифференциялаштан рейтинг тизими асосида ҳақ тўлаш жорий қилинган бўлса, кейинги йили бир неча олий ўқув юрти қаторида тажриба сифатида бу университет талабалар билимини баҳолаш рейтинг тизимига ўтказилди. Ана шундай бир пайтда олимнинг янги монографияси ва олий ўқув юртлари учун "Основы термодинамики" номли ўқув қўлланмаси чоп этилганлиги унинг илмий салоҳияти баланд эканлигини кўрсатибгина қолмай, жамоасидаги касбдошларига ибрат ҳам бўлди.

2000 йилда у Бухоро давлат университетининг бозор иқтисодиёти шароитидаги динамик ривожланишида янги лойиҳаларни қўллагани ва юқори натижаларга эришгани учун Париж шаҳрида олтин медаль билан тақдирланди. Таълим ва илмдаги бундай ютуқлар 300 дан ортиқ илмий мақолалар муаллифи, тўрт фан доктори ва йигирма икки фан номзоди диссертациясининг илмий раҳбари, академик Муқимовнинг кучига куч, ғайратига ғайрат қўшиб, янги тадқиқотлару кашфиётларга илҳомлантириб юборди.

XX асрнинг иккинчи ярмида пайдо бўлган ва илмий истеъмолга кирган "нанотехнология" атамаси янги асрда янада кенгроқ қулоч ёза бошлади. Бу соҳа ўзбек олими Комил Муқимовни ҳам анчадан бери қизиқтириб келар, уни аллақачон амалий ишга тортган эди. У нанотехнология тарихи, унинг илм-фан ва халқ хўжалигининг бошқа тармоқларини ривожлантиришда тутган ўрни масалалари билан жиддий шуғулланиб, етарлича маълумот ва тажриба тўплади. Туғилган янги фикр ва ғояларни илмий таҳлилдан ўтказиб, изланиш ва ўрганишни жаҳон тажрибалари-ю ютуқлари асосида давом эттираверди. Мақсад нанотехнологияни мамлакатимиз илм-фани муомаласига тезроқ олиб кириш, кадрлар тайёрлаш ва амалиётда қўллашни жадаллаштириш эди. Олим 2012-2013 ва 2016-2017 йилларда "Маърифат" газетасида "Нанотехнологиялар нима?" рукни остида ўн бешдан ортиқ илмий-оммабоп мақола эълон қилиб, мазкур нашрнинг "Фахрли муаллифи" танлови ғолиби бўлди. Хўш, ўзбек олимини бениҳоя қизиқтириб қўйган нанотехнологиянинг ўзи нима? У жаҳон олимлари томонидан қай даражада ўрганилган? Ундан қайси соҳаларда фойдаланиш мумкин? Тараққиётимизда қандай аҳамият касб этади? Унга сарфланадиган маблағ зое кетмайдими? Комил Муқимович менинг ана шулар ҳақида кенгроқ тушунчага эга бўлиш ниятим борлигини эшитиб, қўлимга ўзлари ёзган "Митти бунёдкорлар ёхуд нанотехнологиялар нима?" деб номланган китобчани узатдилар. Миннатдорчилик билдириб, рисолани ўқишга киришдим. Унинг илк саҳифаси Абулқосим Фирдавсийнинг "Шоҳнома"сидан келтирилган мана бу мисралар билан бошланади:

Илмдан бир шуъла дилга тушган он,
Шунда билурсанким, илм бепоён...

Ростини айтганда, содда, равон, бироз илмий, бироз бадиий, аммо каттаю кичик тушунадиган қилиб ёзилган ва ноёб маълумотларга бой бўлган бу китобчани бир ўтиришда ўқиб чиқиб, ўзим ҳам нанотехнологияга қизиқиб қолдим. Унда математик формулаларни учратмайсиз. Нанотехнологиялар тарихи, уларнинг воситалари, нанобиотехнологиялар, нанотиббиёт, наноэлектроника, квант компьютерлари... Булар кимни қизиқтирмайди, кимни ҳайратга солмайди? Илмий-оммабоп бу китобчанинг "Мактаб кутубхонаси" рукни остида 44200 нусхада чоп этилиб, республикамиз мактабларига тарқатилганлиги жуда тўғри бўлган. Уни ўқиб бўлганимда, менда ҳам шундай фикр туғилди. Чунки, нанотехнология нима эканлигини ҳали кўпчилик эшитмаган ва билмаган бир пайтда уни ўрганишни мактабдан бошлаш мақсадга мувофиқ. Шубҳасизки, бу келажакда минглаб ёшларимизнинг турли соҳаларда нанотехнологияларни қўллаб, буюк кашфиётларга интилишларида, илм-фанда янги саҳифалар очишларида жуда-жуда қўл келиши шубҳасиз.

Нанотехнологиялар ҳақидаги фикримизнинг аввалига қайтиб, шуни айтишимиз мумкинки, бизга энди-энди таниш бўлаётган бу ибора илк бора 1974 йили япониялик физик Нарио Танигучи томонидан илмий истеъмолга киритилган, "нано" қадимий юнонча "nonnos" сўзидан олинган бўлиб, ўзбек тилида "пакана", "митти" деган маънони билдирар, "нано" бирор нарсанинг миллиарддан бир қисми деб қабул қилинган экан.

Агар рисолада баён этилганидек, нанотехнологиялар ёрдамида кўпайиб бораётган айрим касалликларга қарши кураш муаммоларини ечиш мумкинлигини инобатга оладиган бўлсак, муаллифнинг нанотехнологияни янада ривожлантириш учун астойдил жон куйдиргани бежиз эмаслиги яққол кўринади. Эзгу мақсад учун ортга қайтмайдиган академик Комил Муқимовнинг бу борадаги саъй-ҳаракатлари Давлатимиз раҳбари эътиборидан четда қолмади. Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорлари билан Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети ҳузурида "Нанотехнологияларни ривожлантириш маркази" ташкил этилиб, унга қаҳрамонимиз раҳбар этиб тайинланди. Бугун бу марказда қатор олимлар билан бирга, кўплаб ёшлар ҳам устоз Муқимовнинг бой билим ва тажрибасидан баҳраманд бўлиб, қўйилган вазифаларни замон талаблари даражасида амалга ошириш учун илмий изланишларни изчил олиб бормоқдалар. Бу борада улар Жалолиддин Румий бобомизнинг "Илм ҳамма нарсадан устундир" деган пурмаъно ҳикматини ҳаётининг мазмуни деб билган устоз Комил Муқимов раҳбарлигида Президентимиз томонидан илгари сурилган "Янги Ўзбекистон" пойдеворининг илмий асосини яратишда XXI аср технологиялари локомотиви деб тан олинган нанотехнологияларнинг роли беқиёслигини амалда намоён этишни бош мақсад қилиб олганлар.

— Миллий илм-фанимиз равнақида катта аҳамият касб этадиган нанотизимлар, наноматериаллар ва наноқурилмаларни яратиш давлатимиз иқтисодиётини ҳар томонлама равнақ топтиришнинг гаровидир, – дейди олим бу соҳанинг истиқболини аниқ-тиниқ тасаввур этиб тургандай.

Мен эса чеҳрасидан нур ёғилиб турган Комил Муқимовдан сўрайман:

— Давлатимиз раҳбарининг бундан етти йил муқаддам Ўзбекистон Фанлар академиясида ўтказган тарихий учрашуви ҳақида гап кетганда, нималар ёдингизга тушади?

— Чиндан ҳам мамлакатимиз Президентининг олимлар ва соҳа раҳбарлари билан ўтказган бу учрашуви академиямиз ҳаётида янги тарихий саҳифа очиб, фаолиятида туб бурилиш ясади, – дейди суҳбатдошим қулфи-дили очилиб. — Ростини айтганда, академиямиз сукунат майдонига айланиб қолган, таркибидаги илмий-тадқиқот институтларини олий ўқув юртларига ўтказиш бошланган эди. Бундан ҳаммамиз ташвишга тушган, чунки бу мамлакатимиз илм-фани ривожига таъсир этмай қолмасди.




Давлатимиз раҳбарининг Фанлар академияси муаммоларини ўз вақтида илғаб, тегишли қарор қабул қилиб, кўрган тезкор чора-тадбирлари академиямиз қаддини ҳам, қадрини ҳам баланд қилди. Академикларга бериладиган гонорар ҳам икки баробарга оширилди. Бизнинг фундаментал тадқиқотлар билан шуғулланишимиз учун жуда катта имкониятлар юзага келди. Энди фақат илмий ишланмаларимизнинг сифат ва самарадорлигини ошириш, ҳаётга татбиқ этиш, шунингдек, сафимизни иқтидорли ёшлар билан тўлдириш ва мустаҳкамлаш учун берилган имкониятлардан тўғри ва унумли фойдаланган ҳолда ишлашимиз керак!

Албатта, Комил аканинг Шароф Рашидов, Ғафур Ғулом каби кўплаб машҳур кишилар билан учрашувлари, халқаро анжуманлардаги таассуротлари, таълим-тарбия бобидаги фикр-мулоҳазалари, касбдошлари-ю шогирдларига ғамхўрлигидан то яқиндагина "Дўстлик" ордени билан мукофотланганига қадар кўп ва хўп гапириш мумкин. Мен эса Комил Муқимовнинг илм-фан аҳли ва ёшларимизга ибрат бўладиган ишлари, хислат ва фазилатларининг айрим қирраларидан бир шингил-бир шингил уздим, холос.

**Нуриддин ОЧИЛОВ,**
**Ўзбекистон Миллий университетининг журналистика факультети ўқитувчиси.**

**ЁД ЭТИБ**

# ВОҲА МАТБУОТИ ДАРҒАСИ ЭДИ



**“Хоразм ҳақиқати” газетаси таҳририяти ходимлари билан боғлиқ ёрқин хотираларим жуда кўп. Таҳририят “қозонида қайнаган” лаҳзалар ҳаётимнинг энг гўзал дамлари эди, дея бот-бот такрорлайман. Бу ерда устоз ва ҳамкасбларимдан яхшиликлар, меҳр-мурувватлар кўрдим. Мени тушунишга ҳаракат қилаётганлар, қўллаб-қувватловчилар, ҳурмат этувчилар ёнгинамда эди.**

**Воҳада энг нуфузли ва обрўли нашрлардан бири сифатида танилган газетада забардаст журналистлар, ижодкорлар самарали меҳнат қилишарди. Мен ўқишни тугатиб келган 1985 йилда таниқли шоир, журналист ва насрнавис Эркин Самандар ушбу нашрга бош муҳаррир эдилар. Олийгоҳда ўқишимнинг тўрт йили давомида амалиётни шу даргоҳда ўтказардим. Ҳар йили июль ойида келиб, августнинг охирида яна ўқишга қайтиб кетардим. Устозлардан хўп ўргандим. Улар: Солияжон Раҳимберганова, Арслон Отажонов, Отамурод Пирматов, Султон Нодирматов, Жуманазар Юсупов, Сотимбой Авазов, Зариф Иброҳимов, Қадам Солаев, Бозорбой Бобожонов, Шихназар Аҳмедов, Неъматжон Солаев, Уллибиби Отаева, Оймонжон Эгамова, Султон Отажонов, Ўктам Полвонов ва бошқалар.**

Саксонинчи йилларда “Хоразм ҳақиқати” газетаси ҳафтанинг беш кунида нашрдан чиқарилarди. Кечагидек эслайман. Иш бошлаганимнинг учинчи куни мени навбатчиликка қўйишди. Шу сонга масъул муҳаррир Арслон ака Отажонов эдилар. Қаттиқ ҳаяжонланганман ўшанда. Чунки, газетага навбатчилик — катта масъулият, юксак ишонч... Кечагина талабалик мақомида бўлган муштдек қизга шундай улкан вазифани — вилоят газетасининг тақдирини ишониб топширишдими? Онгу шууримни ички масъулият ва мислсиз бир ҳаяжон қамраб олган эди. “Редакторнинг топшириғи билан навбатчиликка қўйилдингиз”, дейишди.

Арслон Отажонов чуқур мулоҳазали, таҳрири кучли, талабчан, газета бош муҳаррири ўринбосари сифатида обрўси баланд. Ҳар бир кишига, ҳамкасбига тўғри баҳо бера олади. У билан бирга навбатчиликка қўйишганидан қувониб кетдим. Одатга кўра, масъул муҳаррир барча саҳифаларни кўриб бўлгач, имзо қўйиб, таҳририятни тарк этарди. Навбатчи мухбир эса то тонггача, газета чоп қилиниб бўлгунча босмахонада бўларди. Мабодо бирон хатолик кузатилса, зудлик билан тузатиш чораларини кўриш керак.

Гап натижада. Газета хатосиз ва сифатли чоп қилинди. “Босишга” дея илк бор имзони қўйдим. Эллик мингдан кўпроқ нусхада чоп қилинаётган вилоят нашримизни босишга рухсат беришдек ҳам масъулиятли, ҳам шарафли ишни уддаладим чоғи... Бу ҳолатни сўзда ифодалаш қийин. Қушдек учдим, катта бир ишнинг уддасидан чиққанимдан қувондим. Ўшанда менга ишонч билдирган ва масъулиятни ҳис қилишга ундаган Эркин Самандардан миннатдор бўлганман. Назаримда, навбатчиликка қўйиш воқеаси — худди полапонини учишга, яшашга ўргатаётган ҳолатни эслатади. Шу даврда деярли ҳар куни, ҳар сония даргоҳ раҳбарининг қаршисида, назоратида эканлигимни унчалик ҳам тушунмаганман.

Таҳририятда мисоли иккинчи университетни ўтаётгандек эдим. Негаки, бу ердаги 50 киши бари менинг устозим, имтиҳон қилаётган ва синаб кўраётган домлалар мисоли зиёли ва заковатли эдилар. Таҳририят дарсхонаси том маънода ёшлар учун дорилфунун бўлди.

1988 йили ёш мухбирларни уй-жой билан таъминлаш мақсадида ҳукуматнинг топшириғига асосан таҳририятнинг 3-4 та ёш оилаларига уйлар ажратиладиган бўлди. Янги оила қурган пайтим эди. Онам раҳматли: “Дом” олсанг, бир умр унда қолиб кетасан. Яхшиси, участка қилинглар, келажакда болаларинг билан яйраб яшайсан”, дедилар. Бу фикримни бош муҳаррир билан маслаҳатлашиб кўрдим. Эркин ака ҳам маъқулладилар. “Онангиз жуда тўғри айтибдилар. Биз ҳам қараб турмаймиз. Ёрдам берамиз, қандай ҳужжатлар керак бўлса, тайёрланг”, дедилар.

Барча зарурий ҳужжатларни тайёрлаб, Урганч шаҳар ижроия қўмитасига бордим. Аммо у ердан жуда оғир гап эшитиб чиқдим: “Муштдек бўлиб, сенга уй қуришни ким қўйибди? Ҳомиладор экансан, ҳали бу боланг туғилсин-чи”. Бу гапларни бош муҳарриримизга айтишга уялдим. Йиғилишлардан бирида сўраб қолдилар. “Камчилиги бор экан, ҳужжатларимни қайтаришди”, дедим, холос. Ўша йиллари таҳририятда журналист Бозорбой Бобожонов касаба уюшмаси қўмитаси раиси эди. Бош муҳаррир унга: “Бозорбой, бирга бориб, нима ҳужжат кам бўлса, тўлдириб, ишни битказиб қайтинглар”, деб топшириқ берибдилар. Бозорбой оғага вазиятни тушунтирдим.

Бирга ижроия қўмитаси раиси олдига кирдик. Бозорбой Бобожонов бу ҳужжатларимга шахсан Самандаров имзо чекиб беришларини айтиб, алоҳида таъкидлади. Шундан сўнггина менга уй-жой қурилиши учун ер ажратилиб, қарор чиқарилган эди. Раҳбар таҳририятдаги ҳар бир ходимига ана шундай эътиборли, мурувватли ва ғамхўр эди.

Навбатдаги мажлислардан бирида менинг “Дилдор” сарлавҳали кичик воқеий ҳикоям кенг муҳокамага сабаб бўлди. Кимдир у деди, кимдир бу. Мавзу тўқима, долзарб эмас, шу кабилар...

Ҳикояда ёш оилада эрининг аёли устидан зўравонлиги муаммоси кўтарилган эди. Тўғри, у даврларда ушбу мавзуни газетага олиб чиқиш ҳақида гап бўлиши мумкин эмасди, аммо оилада зўравонликка учраётган келинларнинг аччиқ тақдири, уларнинг турмуш ўртоғи томонидан таҳқирланишлари, калтакланишлари маълум гап эди. Ҳеч ким қўл урмаган бу масала мени жуда қийнаган.

Мавзуни кўтаришимга талайгина сабаблар бўлган. Мен бўлимда устозим Солияжон Раҳимберганова раҳбарликларида “Қизлар клуби” саҳифасини тайёрлардим. Сўнгра Эркин Самандарнинг таклифи билан “Қизлар клуби” эшитади” деган рукн остида телефон орқали мурожаатларни қабул қилишни йўлга қўйдим. Саҳифа учун ҳам айнан шу номни танладим. Вилоятда хотин-қизлар масалалари, аёллар муаммоларининг чек-чегараси йўқ эди. “Дилдор” ҳикоясига ўша мурожаатлардан бири – реал ҳаётий воқеа асос бўлганди.

Тартиб-таомилга кўра йиғилиш сўнгида бош муҳаррир ўзининг якуний ҳал қилувчи фикр ва хулосаларини айтарди. Бош муҳаррир ҳикоямни “Энг яхши мақола” доскасига осишни таклиф қилди.

— Кичик асар, аммо катта қимматга эга. Оилаларимизда қизларимиз, келинларимиз устидан зўравонлик бўлмаяпти, деб ким айта олади? Бу ҳикоя катталарга ибрат бўлсин, унда долзарб муаммо ҳақида фикр юритилган, хулосалар бор, — дедилар ўз фикрларини якунлаб.

Тўғри, бадиий адабиётда ҳикоя эпик жанр ҳисобланади. Ҳикоямнинг бадиий жиҳатдан камчиликлари бўлиши табиий эди. Бу йиғилишда гоҳ бўзариб, гоҳ қизариб, ўзимни қўярга жой тополмай қолдим. Раҳбар аҳволимни англадилар чоғи, мавзу жуда долзарб эканлиги ва уни дадиллик билан олиб чиққанимни юксак баҳолади. Бугун ҳар ким эмин-эркин ўз мустақил фикрини, сўзини айта оладиган кунда бундан 35 йил олдин кичик асарим ҳақида бош муҳарриримизнинг холис хулосаси нечоғли аҳамиятли бўлганини англайман.

Бизнинг бош муҳарриримиз ҳар куни янги бир ташаббус ва ғояларни илгари сурардилар. Ходимлардан ҳам шуни талаб қиларди. Бир жойда қотиб қолиш, куним ўтса бўлди, шу кунги сатрлар талабларини бажарсам кифоя, деган ниятда зўрма-зўраки мақолалар ёзиш ҳолатларини ёқтирмасдилар.

Саксонинчи йилларда атроф-муҳитни соғломлаштириш, табиатни ҳимоя қилиш мақсадида боғ-роғларни кўпайтириш, кўчат экиб, дарахт парваришлаш ташаббусини биринчилардан бўлиб “Хоразм ҳақиқати” газетаси бошлади. Бу ташаббусларнинг бошида Эркин Самандар турганлар. Таниқли инсонлар, адиблар хотирасини абадийлаштириш мақсадида улар номидаги боғлар барпо қилинди. Хонқа туманидаги Алишер Навоий, Янгибозордаги Абдулла Қодирий боғлари ана шу ташаббуслар, саъй-ҳаракатлар натижасида дунё юзини кўрди. Эркин ака ҳақиқий ватанпарвар, юртпарвар инсон эдилар. Унинг жамоада бирдамликни таъминлашга бўлган рағбати кучли эди. Ҳамкасбларнинг тўю маъракаларида, қувончу ташвишларида ўзлари бош бўларди. Барчани “бир ёқадан бош чиқариб” бирдам ва ҳамфикр бўлишга чақирарди.

Одатда, оддий мухбирнинг ёзган мақолалари дастлаб бўлим мудири, сўнгра бош муҳаррир ўринбосари томонидан синчиклаб таҳрир қилинарди. Ҳеч қачон бош муҳаррир мухбирнинг материалини тўғридан-тўғри таҳрир қилган ёки кўрган эмас. Бу жараёнларни у пайтлари кўпам тушунмаганман. Эҳтимол, умуман бошқа вазият бўлгандир...

Бир куни Эркин ака мени чақирдилар-да, ўзлари топшириқ бердилар. Нега ундай қилганларини тушунмадим, ҳатто ўшанда менда савол ҳам туғилмаган бундай дейишга.

Шовот туманида “Нуроний” санаторийси бор эди. Шу даргоҳда дам олувчилардан, кекса ва нуронийлардан суҳбат уюштириб келишимни тайинладилар.

— Эртага эрталаб қўлёзмани бўлим мудирига бермасдан менга олиб киринг, — деди бош муҳаррир.

Бош муҳаррир топшириғи билан қушдек учдим. Ўша куни Шовотга бориб, барча зарур маълумотларни, ҳатто бош шифокордан турли расмларни сўраб олиб қайтдим. Ухламасдан тонггача мақолани ёзиб, эртасига эрталаб соат тўққиз бўлмасдан ишхонага келдим. Бош муҳаррир тайинлаганларидек, қўлёзмани, расмларни ўзларига киритдим.

— Майли, кўриб қўяман. Ҳозирча ишингизни қилиб туринг, — дедилар. Ҳаяжоним ичимда. Нима дерканлар, деган саволлар билан тинчимадим. Дақиқалар асрга тенглашди, маҳтал-мунтазир бўлиб кутаяпман... Ниҳоят, чамаси бир соатлардан сўнг қабулхонада ўтирган Зулфия Ёқубова бош муҳаррир йўқлаётганини айтиб қолди. Бундай туйғу кимда қандай, аммо оёқ-қўлим бўшашиб кетди. Раҳбарнинг эшиги олдига қай йўсинда етиб борганимни билмайман. “Ҳойнаҳой, мақолам қизилга бўялган”, деган ҳадик кўнглимга келаверди...

— Яхши, буни дарҳол машинкага — Соражон опага беринг. Эртанги сонга улгуришсин. Расмларни Амин Ниёзметовичга топширинг, ўзлари танлаб олсинлар, мақолани ўзим имзолайман, — дедилар.

Қўлимга олаётиб, шундоқ кўз югуртирдим. Юқорида “Машинкага” деган сўзни ўқидим. Биринчи варағида иккита сўз ўчирилган, бир сўз қўшилган. Кейинги бетларига қарашга бош муҳаррирнинг олдида уялдим. Чиқишим билан барча варақларни тезликда кўздан кечирдим. Жами саккизта бетнинг тўртта жойига қалам теккизилган, холос. Бошқаси жойида. Бу катта муваффақият, тенги йўқ ютуқ эди мен учун.

Эркин ака ана шундай ажойиб, ўз фикрига эга, бағрикенг, диёнатли, шароитга қараб иш тутадиган, исботни қадрлаган, ҳамкасбларига меҳрибон, ҳаммани бирдек тушунишга рағбати кучли етакчилардан эди. Инсонга хос маданият зиёсини, маънавият шуурини қалбимда шарафлантирган устозимга минг раҳмат. Журналистика, аслида, машаққатли, залворли йўл эканлигини англашда кўмагини аямаган, одамлар орасида яшашга, бирдамликда меҳнат қилишга ўргатган устоз Эркин Самандардан миннатдорман.

Устозимнинг жойлари жаннатда бўлсин. Зулм ва ғазаблардан йироқ, адолатли ва диёнатли инсондан ўрганганларим, кўрганларим бугун ўзим раҳбар бўлиб ишлаётган пайтимда жуда-жуда асқотмоқда. Нақадар гўзал қайтиш, бу қанчалар ҳам ташбеҳли, беназир дунё. Бош муҳаррир десалар, Эркин аканинг салобатли қадамлари, оғир ва вазминлик асносида фикр қилишлари, оқилона хулосалари эсимга тушаверади. Ҳаётим давомида яхши раҳбарлар, инсофли кишилар, меҳрибон устозлар, касбдошлар, муносиб шогирдлар билан ишлаш, йўлдош ва ҳамкор бўлиш насиб қилганига шукур.

У инсоннинг шоирлик иқтидори ҳақида кўп гапириш, кўп ёзиш мумкин. Жумладан, “Аму жилолари”, “Дунёнинг ёшлиги”, “Осмон тўла нур”, “Вафо деган гавҳар”, “Қабул соатлари”, “Севги фасллари”, “Севги китоби” каби кўплаб шеърий китоблари нашр этилган.

Умуман олганда, устоз Эркин Самандар серқирра адиб эди. Айниқса, машҳур сиймоларга бағишлаб шеърлар ёзгани, уларнинг таърифини келтиргани, хотирасига эҳтиром билдиргани таҳсинга лойиқ. Шоирнинг Ватан, буюк аждодлар, она табиат тўғрисидаги шеърларини Ортиқ Отажонов, Шермат Файзуллаев каби машҳур ҳофизлар қўшиқ қилиб куйлаганлар. Кейинги даврларда мамлакат телевидениеси орқали чиқиш қилаётган Шермат Хўжа шундоқ дейди: “Шоир Эркин Самандар менга “Шермуҳаммад” деб мурожаат қиларди. Бир куни даврада учрашганимизда у “Шермуҳаммад! Султон Жалолиддин Мангуберди тўғрисида шеър ёздим. Эшитиб кўринг-чи, нотага тушармикан” дея оҳиста овоз билан ёдаки ўқиди:

***Юртни бизга Тангри берган,***
***Омонатмас, мангу берган.***
***Жалолиддин исмим маним,***
***Ўтда ёнмас жисмим маним.***

Мазкур мисраларни тинглашим ҳамоно бирдан руҳиятимда мусиқа ярала бошлади. Хуллас, ўзим куй басталаб, бу қўшиқни мамлакат телевидениеси, радиосида айтдим. Кўпчилик қўнғироқ қилиб, қўшиқ муаллифига, каминага миннатдорлик туйғуларини изҳор этдилар”.

Бу ҳам ўзига яраша тарих эди. Яна бир тарих шундан иборатки, Эркин Самандар “Хоразм ҳақиқати” газетаси бош муҳаррири вазифасида ишлаб юрган вақтларида Хива туманидаги Огаҳий номли жамоа хўжалигига вакил қилиб юборилади. Шунда мазкур жамоа хўжалиги раиси: “Эркин ака! Биласиз, қишлоғимиздан Муҳаммад Ризо Огаҳийдек буюк шоир чиқиб, жаҳон миқёсида танилган. У экkan тутларнинг айримлари ҳозир ҳам япроқ ёзиб турибди. Даланинг ўртасида... Шу тутларни муҳофазага олдириб, шоирнинг уй-музейини яратсак қандай бўларкин?” дейди. Мазкур жўяли гап Эркин Самандарга ниҳоятда қаттиқ таъсир ўтказади. У вилоятнинг ўша даврдаги раҳбарига мурожаат этиб, Огаҳий уй-музейига, боғига асос солдиради. Натижада Эски Қиёт қишлоғида табаррук мажмуа қад ростлайди. Ҳар йили буюк шоир Огаҳий таваллуд топган 17 декабрь кунида уй-музейида воҳа ижодкорлари тўпланиб шеър ўқийдилар. Зотан, ҳазратнинг ўзи айтганидек:

***Бўлубдур шеър яхшилар шиори,***
***Жаҳонда то қиёмат ёдгори.***
***Кишига шеърдин йўқ яхши фарзанд,***
***Ки доим боқий ул фарзанди дилбанд.***

Бундай мисралар ҳаётда ўз исботини топган. Масалан, ҳазрат Огаҳий оламни тарк этганига бир неча ойдан сўнг 150 йил бўлади – аммо, кўнгил фарзандлари саналмиш шеърлари ҳали-ҳануз яшаб турибди. Шунга қиёсан айтганда, Эркин Самандарнинг шўхчан, ўйноқи севги тароналари - лирик шеърлари яна юз йилларни бўйлашига шубҳамиз йўқ.

**Дилбар БЕКЧАНОВА,**
**журналист.**

---

**САРЧАШМА**



# “САДОИ ФАРҒОНА”ДАН БОШЛАНГАН ЖУРНАЛИСТИКА

**Умрнинг мазмунли фурсати (собиқ совет даврининг сўнгги йилларидан ҳозирга қадар) Алишер Навоий номидаги кутубхонанинг “Нодир қўлёзмалар” бўлимида, архивларда ўтди. Манбалар шу қадар мўлки, ўрганилиши, таҳлил қилиниши зарурки, унга бир банданинг умри етмайди... Ҳар гал газеталарни варақлаганда “Садои Фарғона” нашри тахлами, клишеси, бетакрор дизайни, саҳифалардаги ҳарфлар, мақолалар, битиклар мағзидаги ғоялар, уларни қалб қўри билан ёзган муаллифларнинг номлари... қисқаси, қадрдонимизни учратиб қолгандек, йўқ-йўқ, ундан ҳам азиз инсонимиз билан кўришгандек бўлаверамиз.**

Дастлабки сонидаги битиклардан иқтибос:

*“Ғазета ҳар миллатнинг таржимонидурки, билмағон нарсаларини анга билдирур ва ҳам ул миллатнинг муддаосини бошқаларга билдирур”* (Ашурали Зоҳирий. Сўз боши // “Садои Фарғона” газетаси, 1914 йил 3 апрель).

Большевиклар ҳокимиятни эгаллагач, “Садои Фарғона”ни танқид қилган бўлсалар-да, “бу газета орқасида бир неча янги қаламлар ва тубжой халқдан мураттиблар (саҳифаловчилар) етишиб қолдиким, муни танисоқ, ҳақиқатни таниғон бўлурмиз”, дея тан оладилар (Бу ҳақда қаранг: Газетчи. Фарғонада тубжой халқ матбуоти // “Фарғона” газетаси, 1924 йил 5 май).

“Газетчи” тахаллусидаги муаллифнинг фикридаги янги қаламлардан Ҳамза ва Чўлпонлар билан бирга Ашурали Зоҳирийни алоҳида таъкидлаш жоиздир. Негаки, у Қўқонда чиққан “Эл байроғи” газетасига ҳам алоқадордир. Бу нашр ҳақида гапиришдан аввал “Садои Фарғона”нинг тўхтатилиши хусусида фикр.

Абдулла Авлоний ёзади: *“Садои Фарғона” Хўқанд шаҳрида ҳафтада уч маротаба чиқадурғон мусулмонча ғазетадур. Бу газета 1914 йили Қўқонда Обиджон Маҳмудов муҳаррирлигида чиқди. У ҳар жиҳатдан “Садои Туркистон”дек бўла олмади. Қалам аҳлларини ўзига жалб қила олмасдан бора-бора тўхтаб қолди”.*

Мазкур мақоланинг ҳам большевиклар сиёсати таъсирида ёзилганини эътиборга олсак, вазиятни бироз ўзгача изоҳлаш мумкин. Ҳолбуки, “Садои Фарғона” газетасининг кутубхонада сақланаётган тахламидаги охирги, яъни 1915 йил 6 июнь (123) сонида муҳаррир номидан пастроқда “Дозволено военной цензурой” деган ёзув пайдо бўлгани, шунингдек, иккинчи саҳифадаги бир ярим устуннинг бўш чиққанлиги таҳририят ҳарбий цензура орқали сиқувга олинганини англатади. Давр матбуотида цензорлар олиб ташлаган мақоланинг жойини бўш чиқариш уларга нисбатан норозилик ҳисоблангани тарихий манбаларда кўп бора тилган олинган. Демак, материал олиб ташланган, таҳририят ходимлари эътироз тариқасида саҳифани бўш чиқаришган, бу эса мустамлакачи цензорларининг қаҳрини келтирган ва газетанинг навбатдаги сони ҳеч бир эълонсиз чиқмай қолган.



Орадан икки йил ўтиб, вазият туғилиши биланоқ, аниқроғи, 1917 йил Россиядаги февраль воқеалари сабаб “Садои Фарғона”нинг муассиси Обиджон Маҳмудов ўз жамоаси билан нашр ғоялари тарғиботини янги ном билан давом эттиради. “Тирик сўз” деб номланган мазкур газета мақсади битилган мақолада шундай сатрлар борки, ундан нафақат жамоа ғоясини, балки “Садои Фарғона” газетасининг ёпилиши сабабларини билиб олиш мумкин: “... фақир 1914 нчи йилдан то 1915 йилғача “Садои Фарғона” ном газет бирлан миллатға хизмат қилғон эдим, баъзи муомалот, олам неча хил монеъликлар сабаб бўлуб тўхтаб қолғон эди... Халқни уйғотмоқ учун муноди қилмоқни (фикр бермоқ маъносида — таҳр.) ўзумға лозим билдим, аҳволи замонаға қараб баъзи пухта жойларда эшиткан ва билгон сўзларни газет орқалик билдуруб турмоқни зарур фаҳмлаб, яъни “Тирик сўз” газетасини чиқармоққа мажбур бўлдум. Муддао газет чиқормоқдан фойда қилиш ёки бошқа муддао эмас, балки фақирни муддаоси мутафриқа фикрлик (тарқоқ, турли қарашдаги — таҳр.) миллатларни фикрларини жамъ қилиш, миллат ораларидаги нафсониятларни йўқ қилиш, ишда, фикрда, маслаҳатда катта-кичикларни бир-бирларига яқинлаштуруш. Ғазета маслаки бирлик ва иттифоқлик, дину дунёвий ишда тараққий қилишни асбобидур...”

“Тирик сўз”нинг неча сон чиққани, қачон ва қай тарзда тўхтагани ҳақида маълумот топа олмадик. Лекин унинг биринчи сони 1917 йилнинг 2 апрелида чиққани ва у “ҳафтада уч марта чиқадурғон адабий, иқтисодий, тараққий” газета эканлиги тўғрисидаги маълумотни Алишер Навоий номидаги кутубхонанинг “Нодир қўлёзмалар” бўлимида қолган ягона нусхасидан билиб олдик. 1917 йил жуда мураккаб давр бўлгани учун, чор сиёсатидан воз кечилган даврда кутубхоначилик ишлари ҳам пароканда бўлган. Шу боис бу даврнинг газеталари тўлиқ сақланмаган. Ушбу нашр билан бир вақтда Тошкентда чиққан “Турон” газетасининг беш сони сақланган, шунингдек, охиргисида олтинчи сон учун материаллар тайёрлиги айтилган. Устоз Бойбўта Дўстқораев ўзининг “Ўзбекистон журналистикаси тарихи” китобида “Турон” “айрим тадқиқотчиларнинг ёзишича, йигирма сон қадар чиққан”лиги тўғрисида маълумот бор. Шу боис “Тирик сўз”нинг ҳам камида 20 та сони дунё юзини кўрган деган тахминни илгари сурамиз.

Тадқиқот натижалари Фарғонада матбуот иши — Обиджон Маҳмудов тўплаган жамоа газета чиқаришни тўхтатмаганини кўрсатди. Бу борада яна Абдулла Авлонийга мурожаат қиламиз.

“Эл байроғи” газетаси. У 1917 йили Қўқон мухторияти вақтида чиқиб, шиори “Яшасин Мухторият!” эди. Бўлат Солиев ва Ашурали Зоҳирийлар муҳаррирлик қилишган. Қўқон мухторияти тор-мор қилингач, газета ҳам чиқишдан тўхтади”.

Бу фикрда ҳам бироз хатолик мавжуд. “Эл байроғи” газетаси 1917 йил 8 сентябрь (1-сон)дан чиқа бошлаган. Шундай экан, Туркистон мухторияти эълон қилинишига ҳали вақт бор. Нашр шиори дастлаб “Яшасун қўшма халқ жумҳурияти!” бўлган ва Туркистон мухторияти эълон қилингач эса “Яшасун Туркистон мухторияти” тариқасида ўзгарган.

“Эл байроғи” газетасининг 18- (1918 йил 26 январь) сони Алишер Навоий номидаги кутубхонада тахламнинг сўнгги сони бўлса-да, унинг давом этганлигини “Идорадан жавоб”дан билиб олиш мумкин: “Искубилифда, марказий шўро раиси Миродил афандиға: келадурғон нумрада босилур”.

Қолаверса, шу йилнинг 19 феврали (Туркистон мухториятининг қонга ботирилиши) гача яна уч ҳафтадан зиёд вақт бор. Газетанинг ҳафтада икки марта чиқишини назарда тутсак, унинг жами 24 та сони чиққанини чамалаш мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, газетанинг муассису муҳаррирлари, номи ўзгаради, лекин бу жамоаларда ҳар доим боғловчи меҳвар вазифасини миллат фидойиси Ашурали Зоҳирий бажариб туради. Халқларга эркинлик бериш, барчани ўқитиш, озодлик ғоясига содиқ қолган бу жамоанинг газета саҳифаларида муҳрлаган мақолалари фикримизга далилдир.

Большевиклар ҳокимиятга ўрнашгач, “Эл байроғи”ни “Меҳнат байроғи”га (Ҳуррият”ни “Камбағаллар товуши”га каби) ўзгартиришган. “Меҳнат байроғи” масъул муҳаррири Иброҳим Рашид эканлиги, шиори большевикча “Бирлашинг, бутун дунё меҳнаткашлари!” бўлишидан қатъи назар, бунда Ашурали Зоҳирийнинг иштироки ҳам аниқланди (Ашурали Зоҳирий. Яна имло атрофида // “Меҳнат байроғи” газетаси, 1921 йил 10 март). Мақолада эски муаммо кўтарилган бўлиб, муаллиф: “Тўғрисини айтганда, имломиз ҳали ҳам бир йўлға қўйилмағон”лигидан шикоят қилади ва ўз таклиф ҳамда мулоҳазаларини билдиради.

1917 йил февраль воқеаларидан кейинги чоп этилган “Тирик сўз” (1917 йил 2 апрель), “Эл байроғи” (1917 йил 8 сентябрь) дан “Меҳнат байроғи”гача бўлган даврда чоп этилган газеталар хронологиясида кетма-кетлик мавжуд, яъни бири ёпилса, иккинчиси очилган.

“Меҳнат байроғи” 1921 йил май ойидан “Фарғона” дея ўзгартирилади. Биз унинг 1921 йилнинг 29 май сонини ўрганганимизда, таҳририят манзили “Меҳнат байроғи” газетаси манзили бўлганлиги маълум бўлди: “Ҳўқандда 25 октябр кўчаси хонаи матбуот”. Шиори бироз ўзгарган: “Бирлашинг, бутун дунё меҳнаткашлари! Яшасун Шарқда ободлиқ!” 1924 йил 29 ноябрь (227) сонига келиб Шарқнинг ободлиги масаласи кун тартибидан туширилган кўринади: “Бирлашингиз, бутун дунё йўқсуллари”.

“Янги Фарғона” газетаси (1926 йил 1 январь (489) даги 1-сонидаги саноққа кўра, ҳақиқатан ҳам, у “Фарғона”нинг давоми. Манзил ҳам ўша: “Ҳўқандда 25 октябр кўчаси, хонаи матбуот”.

Тадқиқотчиларнинг таъкидлашларича, 1926 йилдан совет журналистикасининг иккинчи босқичи бошланиб, 1938 йилда цензуранинг расман ўрнатилиши билан тугайди. Бунда большевиклар партиясининг ОАВга таъсири кучайиб бориши кузатилди. Мавжуд ҳокимият матбуот ва радио раҳбарларига журналистиканинг вазифаси “меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялаш, партия анъаналарини халққа сингдириш” эканлигини уқтирадилар. Биз “Фарғона”нинг “Янги Фарғона”га айлангани сабабини шунда кўрамиз.

Энг асосийси, бу нашрларнинг бошланиш нуқтаси “Эл байроғи” эмас, “Садои Фарғона” газетаси эканлигидадир. Буни юқорида номлари зикр этилган шахслар, жамоа, бирлаштирувчи ва боғловчи ғоя билан асослашга ҳаракат қилдик.

Хулоса шулки, жадид боболаримиз меҳнати, уларнинг ўз ғоялари учун қурбон бўлишгани ҳар қандай сохталаштирилган тарихни тиклаш учун катта асосдир.

**Ҳалим САИДОВ,**
**ЎзЖОКУ профессори,**
**филология фанлари доктори.**

БУЮКЛАР ҲАЁТИ

# САМАРҚАНД ОСМОНИДА ПОРЛАГАН ЮЛДУЗЛАР





## ТУН ҚЎШИҒИ

Оғир ҳансираганича ётоғига ботаётир шамс. Зулмат кундасига жим ётаётир бобо қуёш. Зим-зиё, зулукдек тун ҳаялламай бостириб келди. Яқиндаги одамни таниб бўлмай қолди. Айни шу лаҳзада туннинг бағри ажиб бир қўшиққа чулғанди. “Шовуллайди адирда буғдой, Гўёки яқингинада қулунлаган биядай бўлиб, Ийиб кетар кишнаганда той, Чор-атрофда чигирткалар чириллар нафис, Қовун ҳиди таралар анқиб, Гўёки тун меҳрибон, жони фидо онадай ўзин этиб ҳис, Алла айтар қорашол танғиб. Чиндан ҳам, сеҳр тўла қўшиқ айтиб тун, Ухлатади барча одамни”.

...Оқшом қоронғуси қуюқлашади. Осмон тоқида бир-биридан гўзал, нафис ситоралар жимирлаб, кўзни қувонтириб чақнай бошлайди. Бир учи кенг ва бепоён уфқларга қадар чўзилиб кетган дала, ёбонлар қорайиб кўринади. Отлар, сигирлар, қўй-қўзилар одамларга доимий ҳамроҳ. Бу жониворлар аллақачон қозиққа боғланиб, қўрага қамалган. Саҳни кенг супага ўрин тўшалган. Юмшоқ, момиқ кўрпа ичида уч-тўрт нафар болалар ором олмоқда. Аммо уларнинг ичида фақатгина бир болакайгина уйғоқ. Унинг кўзларидан уйқу қочган. Болакай ғуж-ғуж юлдузлар чамани билан тўлган осмондан сира-сира кўз узмайди. Гўёки боланинг ўзи ҳам шу тобда Сомон йўли, Етти қароқчи, Олтин қозиқ, Чўлпон юлдузи, Олтин охур, Бўз от... сингари юлдузлар изидан худди солдек эргашиб юргандек. Негадир ёш шаҳзода Улуғбекнинг ҳадеганда сир-асрорга тўла само денгизидан кўз узгиси келмасди. Айниқса, унинг бетимсол гўзаллиги, жилвакор мафтункорлиги кўнгилни ажойиб ҳисларга ошино тутинтирган эди. Бундай сўлим, салқин хуш ҳавода тун сафосини, латофатини ич-ичидан туярди. Қанот ёйиб, далалар, тоғлар, дарёлар, водийлар устида худди қушлардек сузиб юрарди. Шу тобда Улуғбек мирзонинг руҳи анча-мунча енгиллашгандай туюлди.

Ҳаприқтириб, юракка солар титроқ, юлдузлар чаманзорига яқин жойда туриб унинг мислсиз, адоқсиз сир-асроридан бехабар қолиб кетиши... Тонг каби мусаффо рангин туйғулар, ўйлар болага сира тинчлик бермас эди. “Агар улғайсам, албатта, юлдуз тўла осмонга нарвон қўйгум. Ситоралар билан диллашгум, сирлашгум. Уларнинг қалб кечинмаларига қулоқ осгум”. Ёш Улуғбекнинг соф орзуси ана шундай масъум ва қатъий бўлди. Унинг бу эзгу ниятидан жаҳонгир Темур бобоси билан узоқ ҳарбий сафарлар машаққатини тенг тортган, деярли барча Темурийзодалар тарбияси билан жиддий ва астойдил шуғулланган гўзал ва оқила аёл Бибихоним воқиф, хабардор эди. Айни паллада фозила ва оқила аёл ёш, мурғак қалбнинг орзуларини, истакларини ширин сўзлари билан ҳамиша рағбатлантириб келарди.

Мавриди келгани учун Бибихоним ҳақида икки оғиз сўз айтишни жоиз деб билдим. Гарчанд Бибихоним фарзандсиз бўлса ҳам, барибир болаларга қаттиқ меҳр қўяди. Ҳаттоки ана шу меҳр-муҳаббат туфайли умрида бола кўрмаган вужуди уйғониб, кўкрагига сут келган пайт ҳам бўлган экан. Бу мушфиқ, оқила, зийрак аёлнинг жон олгувчи аллаларини, қўшиқ ва маталларини эшитиб улғайган темурий амирзодалар уни оналаридек суйиб, иззат-икромини ўрнига, жойига қўярдилар. Аслида, неваралари ичида энг зийраги бўлмиш Муҳаммад Тарағай ухламай осмондаги юлдузларга тикилиб, хаёл дарёсига ғарқ бўлишини осмон, само илмига қизиқишида деб биларди. Негадир исми Муҳаммад Тарағай бўлса ҳам, бобоси ва момосининг унга бўлган меҳри зиёдалигини, айниқса, зеҳни, ақли жуда ҳам ўткирлигини кўрган сарой аҳли мурғак мирзога Улуғбек деб улуғвор от қўйган эдилар. Шу-шу Амир Темур ҳам, Бибихоним ҳам уни шу исм билан чақиришга ўрганиб қолгандилар.

— Юлдузлар чаманзорида ҳам инсон зоти яшайдими? — деган азалий ва жумбоқли саволга мантиқли жавоб излаб топиш ниятида ёш Улуғбек мирзо ёнида ҳамиша “Зижи жадиди эл Хоний” китобини олиб юрарди. У бу ёшида шундай мураккаб китобни ўқиса ҳам, уқиши, англаши ўта мушкул эди. Ана шундай кезларда у “тезроқ улғая қолсам, ўзим, албатта, бир расадхона тиклаб юлдузларда одам яшайдими, йўқми, билиб оларман. Сон-саноқсиз, ғуж-ғуж жилвагар ситораларнинг сирини очувчи мана шундай бир китоб тузурман” деган хаёлдан сира бўшамасди. Шу ёшида улуғ мақсадлар билан яшаётган болага чиндан ҳам ҳавас қилса бўларди. Ниҳоят бола хаёл дарёсидан қутулиб ухлаб қолди. Бу маҳалда ташқарида шамол увиллар, Кўҳак тепалиги томондан эсган барқарор шамол тунги Конигул боғларидан гул ва турфа майса, гиёҳлар ҳидини олиб келиб димоққа урарди. Кўк тоқида юлдузлар чаманзори милтиллаб ёнар, унга тикилган сари одамнинг кўзи қонар, ўша юлдузлар сир-асрорини билиш осондай туюларди. “Англа, дил ҳам сирли осмондай” деган сирли хитоб қулоққа элас-элас чалинарди. Улуғбек мирзонинг олис болалик маҳалларида кўнгли тубига туккан улкан ва залворли орзуси йиллар ўтгач бор-бўйича рўёбга чиқди. Бунга қадар у илм сирларини қунт ва сабот ила ўрганишига тўғри келди. Айтганча, Улуғбекнинг отаси ҳокимият юритиш бобида ёш шаҳзодага кўпдан-кўп насиҳат ва ўгитлар қилади. Фаҳм-фаросати, зукколиги ва қувваи ҳофизаси билан ажралиб турувчи шаҳзода бу ўгитларга оғишмай амал қилиб сираям камлик кўрмади.

## “ЗИЖИ КЎРАГОНИЙ”

...Кунлар бир тутам. Қоронғулик эрта тушадиган бўлиб қолган. Кеч кузакнинг аччиқ, чимчиловчи изғирини этни жунжиктиради. Ҳаво нима учундир рутубатли. Қорайиб, худди улкан қалъадек бўлиб ётган Кўҳак тепалигининг шундоққина бағрига ёндош этиб қурилган расадхонада Мирзо Улуғбек уч-тўрт шогирдларига зўр бериб алланарсани тушунтириш билан овора. Баъзан сўзидан тўхтаб, ўнг қўли билан узун соқолини тутамлаб қўяди. Ёнидагилар ундан кўз узмай, қизиқарли ҳикояни мароқ билан тинглайди. Унинг бир қараганда жаҳонгир Амир Темур бобосиникига ўхшаб кетадиган, очиқ, қип-қизил юзига ажин тушмаган. Улуғбек мирзо адил ва тик қоматини ғоз тутиб, чор-атрофга суқланиб қараб қўярди. Дарвоқе, ўша кезларда Самарқанд расадхонаси фалакий доимий катталикларни, сайёра ва юлдузларнинг ўрнини ниҳоятда аниқликда ўлчаши билан дунёда тенгсиз эди. Улуғбек мирзо шогирдлари ва бошқа олимлар билан айнан биз тасвирлаган манзилда Птолемейнинг шарқда “Алмагест” номи билан машҳур юлдузлар зижини қайтадан кузатишга жоним-отим киришади. Алалоқибат, фалакшуносларнинг расадхонада олиб борган кузатишлари натижасида “Кўрагоний Зижи”, ёки “Улуғбек Зижи” вужудга келади. Аслини олганда, Улуғбекнинг бу зижи дунёда тузилган зижларнинг энг мукаммали ва пишиғи эди. Унда тақвимлар, вақтни аниқлаш, сайёралар ҳаракати ва бошқа қимматли ва муҳим маълумотлар атрофлича, кенг ёритилган эди.

Расадхонанинг улкан фалакий қурилмалари, самовий ёриткичларнинг ўринларини ва турли фалакий катталикларнинг аниқ ўрни ва ҳаракатини кўрсатиб беради. Ана шундай қурилмалардан бири — меридиан қурилманинг радиуси 40,2 метр. Бу қурилма Кўҳак тоғининг этагида жойлашган. Бу ердан чор-атроф, Самарқанд минораларининг нилий, нақшинкор гумбазлари аниқ кўзга ташланиб туради. Расадхонанинг тош қоялардан кесиб ҳосил қилинган хандақдаги қисми ҳозиргача сақланиб қолган. Қурилманинг хандақ жанубий томонидаги чуқурлиги ўн бир метр бўлиб, мармар тахтачалар қиёсидаги хандақ 2,3 метр. Қурилманинг икки ёйи бир-бирига зич қилиб уланган — узунлиги ўртача 80 см, кенглиги 29 см, қалинлиги 10 сантиметрдан 20 сантиметргача бўлган мармар тахтачалардан иборатдир. Унинг юза тарафлари 40,2 метр ярим айлана ҳосил қилувчи қияликда силлиқланган. Иккала ёйда ҳам кенглиги 30 см, чуқурлиги 15 мм бўлган ингичка тарновлар жой олган. Бу ингичка тарновларга сариқ пластинкалар музукаллаб жойлаштирилган. Дастлабки сайқаллаш ишлари берилгач, уларга ўлчов меъёрий чизиқлари белги сифатида туширилган. Ёйдаги ҳар бир градус араб ҳарфлари шаклида мармар тахтачаларда бироз ифодалангандир.

Улуғбек баҳаво, хушманзара бу манзилда кўп вақтини ўтказишни ёқтирар эди. Шу аснода у “Улуғбек Зижи”ни мустақил кузатишлар натижасига таянган ҳолда аждодларнинг шу соҳадаги ишларини ўрганиб ва умумлаштириб, фалакиёт илмининг назария ва амалиётига жуда кўплаб янгиликларни киритишга муяссар бўлди. Боз устига, зижда келтирилган бир минг ўн саккизта юлдузнинг рўйхати самарқандлик фалакшуносларнинг асосий меҳнати самараси бўлиб, у бутун дунёга Улуғбек номини ва у асос солган фалакиёт мактабини машҳур қилди. Қозизода Румий, Ғиёсиддин Коший сингари замонасининг донгдор олимлари расадхона кузатув натижаларининг таҳлили жараёнида вафот этган бўлса, Улуғбек садоқатли шогирди Али Қушчи билан Зижнинг устидаги қийин ва мураккаб ишни ниҳоясига эсон-омон етказади. Айтганча, Улуғбек расадхонасининг қурилмаси билан Тихо Брагенинг “Ураниборг” расадхоналари ўртасида кузатиш жараёнида фарқ бўлган. Мирзо Улуғбек Европада беҳад улуғланади. Масалан, бир ноёб суратда афсонавий Уранияниннг ўнг томонида, Оврўпа фани тан олган буюк мунажжим ва подшоҳ Улуғбек мирзо биринчи бўлиб тасвирланган. Атрофида машҳур мунажжимлар — Птолемей, Браге, Риччиоли, Вильгельм IV ва Ян Гевелийлар савлат тўкиб ўтирибди. Ҳойнаҳой, улар фалакиёт илми ҳақида узоқ баҳслашмоқда.

## “... КИ ОЛАМ КЎРМАДИ СУЛТОН АНИНГДЕК”

Жаҳонгир Амир Темур авлоди жаҳон илм-фанига, маданиятимиз ва адабиётимиз тарихига буюк сиймоларни берди. Мундарижанинг бошида Муҳаммад Тарағай Улуғбек ва Заҳириддин Муҳаммад Бобур туради. Иккисини ҳам жаҳон билади, тан олади. Бири илмда Ғарб учун мактаб (ўз ватанида эмас) яратган бўлса, иккинчиси Шарқда ўзига хос бадиият академиясини вужудга келтирди. Шу ўринда ўн бешинчи асрнинг буюк муаррихи, машҳур “Равзат ус-Сафо” муаллифи Мирхонднинг “Дониши Афлотун ва ҳашаматли Фаридун жамъдашт”, яъни “илмда Платон, бойликда Фаридун янглиғ” деган маъноли, мағзи тўқ сўзларини келтириб ўтишни маъқул топдик. Шеърият мулкининг султони Низомиддин Мир Алишер Навоий ҳазратлари эса Улуғбек шаънига “Темурхон наслидин Султон Улуғбек, Ки олам кўрмади султон анингдек” деган машҳур мисраларини битади. Аммо дилни хира қиладиган жиҳатлар ҳам йўқ эмас. Таассуфлар бўлсинки, тарихий-бадиий асарларда аввал Улуғбек мирзонинг қиёфаси ҳам эслатилмайди. Машъум фожиа юз бергандан (1449) кейин эса бу мавзу мутлақо четлаб ўтилган ёки хаёлдан бутунлай фаромуш бўлган. Яхшиямки, ўзбек адабий тили асосчиси ва билимдони Навоий ҳазратлари бор экан. Ул муборак зотнинг “Хамса”сини ҳисобга олмаганда, кейинги беш аср давомида Улуғбек ва унинг мероси ҳақида лом-мим дейилмади. Унинг нодир мероси ҳақида сўзлаш анъанаси, ташаббуси ғарбга кўчди. Кўплаб залворли китоблар ёзилди.

Хабарингиз бўлса керак, 1941 йилда Алишер Навоийнинг 500 йиллиги шарофати билан улуғ шоир яшаган даврни чуқурроқ ва атрофлича ўрганиш мақсадида, Гўри Амирдаги (Самарқанд шаҳрида жойлашган) Темурийлар мангу қўним топган қабрлар очиб кўрилади. Ана шу кезлари Улуғбек мирзо шахси ва у қолдирган бой маънавий меросга бўлган қизиқишлар бир қадар кучаяди. Буни қаранг, ҳайтовур, Улуғбек бобомизнинг қабрдаги хоки яхши сақланган экан. Унинг бўйи 165,8 сантиметр эканлиги, гавда ва юз тузилиши отаси Шоҳруҳ мирзодан кўра, бобоси Амир Темурга тортганлиги аниқланади. Биласиз, ўрта асрлар шароитида донишманд, ақл булоғи — Улуғбекнинг “Зижи Кўрагоний”га ҳафсала билан тартиб бериши зулмат дунёси учун маёқ, нур эди. Боз устига, фалакиёт илмида ҳали Оврўпа ғафлат уйқусидан турмаган, араб ва хитой мунажжимлари ҳали коинотга бу қадар яқин тикилмаган эди. Улуғбек мирзо тузган Кўрагоний жадвалида ҳаммаси бўлиб бир минг ўн саккизта юлдуз тадқиқ этилган, ўрганилган. Жумладан, тўққиз юзта юлдузнинг узунлиги, саккиз юз етмиш саккиз осмон ёритқичининг кичиклик даври бениҳоя ҳассослик билан аниқланган. Эндиликда бизнинг электрон ва қудратли оптик асбоблар замонамизда “Зиж”нинг мезони қандайдир дақиқа ёки унинг улушларида тафовут қилади. Оддий устурлобда осмон жисмлари ҳаракат доирасини бу қадар аниқлик билан ўлчаш сирини ҳали ҳеч ким очиб берган эмас. Рости, Улуғбек мирзо зўр ҳафсала ҳамда меҳр билан яратган “Зижи Кўрагоний” инсон тафаккури қудратининг буюк ғалабасидир. Негаки, сирли ва олис коинот сари астойдил интилган инсон онгининг бепоёнлиги ва интиҳосизлиги уни ҳамиша ҳамрўз ич-ичидан сезиб, билиб турди. Машаққатли меҳнатлари ширин ва тотли мевасини бермасдан қолмади. Шу ўринда машҳур тарихчи Давлатшоҳ Самарқандийнинг “Тазкират уш-шуаро” асаридаги тубандаги сўзларни келтириб ўтишни лозим топдим. “...Улуғбек Кўрагон юлдузлар илмида қилни қирқ ёрди... ҳандаса илмида чигалларни ечувчи, ҳайъат илмида Мажистийкушо (Юнон олими Птолемейнинг “Альгамест” асарининг арабча номи) эрди. Фозиллару ҳакимларнинг якдил фикрлари шулки, исломият замонидан шу дамгача Улуғбек Кўрагонийдек олим ва подшоҳ салтанат тахтида ўтирмаган. Улуғбек “Зижи Султоний” кашф этиб, уни ўз исми билан зийнатлади”. Шу эътирофнинг ўзиёқ Улуғбек мирзонинг жаҳон фанига қўшган ҳиссаси салмоқли эканлигини кўрсатади. Шу ўринда Ўзбекистон халқ шоири, сўз сеҳргари Миртемирнинг Мирзо Улуғбек бобомиз яратган ўлмас меросга эҳтиром ила битган қуйидаги шеърини келтириб ўтишни жоиз деб билдик:

*Расадхона эмиш шу харсанг девор...*
*Бир вақт Самарқанднинг энг юксак жойи,*
*Замон мўъжизаси, билим саройи,*
*Тоғ жуссали, сўлим, улуғвор.*

*Расадхона эмиш шу харсанг девор,*
*Кечалари юлдуз гадоси бўлиб,*
*Самовий гўзаллик шайдоси бўлиб,*
*Термулармиш уйғоқ у тождор.*

*Сулувлар кўзидек тенгсиз, ярқироқ,*
*Юлдузларки, кўкнинг гавҳар чечаги,*
*Бири юз асрлик, бири кечаги,*
*Бир-биридан сирли ва йироқ.*

*Сулувлар кўзидек пир-пир доимо,*
*Ёки ёзмишларнинг ёруғ хатидек,*
*Ёки ҳумоларнинг ёллуғ патидек,*
*Доимо ваъдакор шўх имо...*

*Ҳар янги юлдузга қўйиб янги ном,*
*Жадвалига битиб бир-бир шарҳини,*
*Дарж этармиш учқур фалак чархини,*
*Кўкка интиқ, риёзатга ром.*

*Одам фахри эмиш сўлим Самарқанд,*
*Олам тожи эмиш тождор аллома,*
*Ҳар кеча заҳмати бўлак ҳангома,*
*Кундузи ҳам тинимсиз гарчанд.*

*Юлдузни ўшандоқ севолса киши,*
*Ўшандоқ юксакка толпин, ҳей ўғлон,*
*Агар толпинмасанг, бу — ўша жаҳон —*
*Араванинг эски тиркиши...*

*Бобо меросига бўлолгин эга,*
*Сомон йўлларида кезарсан, балки.*
*Тиришганнинг зарби шундоқ дангалки,*
*Ҳатто тошга қоқармиш чега...*

Чиндан ҳам, сўз сеҳргари мазкур шеърида Кўҳак тепалигида қўним топган Улуғбек расадхонаси ҳолатини чиройли йўсинда таърифу тавсиф этганки, унга беихтиёр қойил дейсиз.

...Самарқандга борсам, Кўҳак тепалиги ёнбағридаги Улуғбек мирзо бунёд этган расадхонани томоша қилмай қайтмайман. Гарчанд фикру ёдим дунё олимлари тан олган Улуғбек мирзода бўлса-да, хаёл қурғур олис ўтмишга, боболар замонига бошлаб кетади. Ана, қўлига аллақандай асбобни тутган Улуғбек мирзо тун қўйнида ғуж-ғуж жимирлаб турган юлдузлардан кўз узмай тадқиқот билан банд. Ёнида шогирди Али Қушчи. Гарчанд Али Қушчи кам ухлаган бўлса-да, аммо руҳи тетик. Ақл-мушоҳада қилавериб, кўзи пишиб кетган. Бугунги кунда Улуғбек қурган расадхонага хориждан кўплаб сайёҳлар ташриф буюради. Улар расадхона жойлашган манзилни ҳамда юлдузлар устида кузатув, тадқиқот олиб бориладиган фазовий асбоб-анжомларни зўр ҳайрат ила томоша қиладилар. Менинг қулоғимга Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Маҳмуджон Азимов ижросидаги “Самарқандга борсам мен агар, Улуғбекни кўриб қайтаман, У қон йиғлаб турар ҳар сафар, Мен дардимни кимга айтаман” деган ўтли, ҳароратли, таъсирли сатрлари чалинди. Қуёш ботиб, уфқ қонталаш тусга кира бошлади. Атроф жимжит. Эрталаб ёғиб ўтган ёмғирга боғ-роғлар обдан чўмилган эди. Кўнглим хотиржам тортиб, секин ортга қайтдим. Руҳиятим енгил, кайфиятим аъло эди.

**Улуғбек ЖУМАЕВ,**
**журналист.**

ХОРИЖ

## “TIKTOK” БЎЙИЧА ТЕКШИРУВ БОШЛАНДИ

***Еврокомиссия Рақамли хизматлар тўғрисидаги қонуннинг (DCA) бузилиши мумкинлиги сабабли “TikTok” онлайн-платформаси бўйича иккинчи текширувни бошлади. Бу ҳақда Еврокомиссия ўз веб-сайтида маълум қилди.***




Текширувга “TikTok Lite” иловасида фойдаланувчиларга видеоларни томоша қилиш, ёқтириш ва дўстларни таклиф қилиш каби баъзи “топшириқлар”ни бажариш учун балл тўплаш имконини берувчи функция сабаб бўлган. Еврокомиссияга кўра, ушбу имконият тизими қарамлик таъсири билан боғлиқ хавфларни синчковлик билан баҳоламасдан ишга туширилган.

Жорий йилнинг 17 апрель куни Еврокомиссия “TikTok”дан “TikTok Lite” учун хавфларни баҳолаш ҳисоботини талаб қилган. Компания регуляторга ҳужжатларни тақдим этмаган. “TikTok” 24 соат ичида хавфни баҳолаш ҳисоботини тақдим этиши ва 3 майгача бошқа сўралган маълумотларни топшириши керак. Акс ҳолда, Еврокомиссия жарима солиши ёки Европа Иттифоқида “TikTok Lite” мукофотлари дастурини тўхтатиб қўйиши мумкин.

## УКРАИНА УЧУН ҲАРБИЙ ЁРДАМ

***Буюк Британия бош вазири Риши Сунак Украинага 570 миллион евро (617 миллион доллар) ажратишга ваъда берди, дея “Deutsche Welle” хабар берди. Маълум бўлишича, ёрдам пакети 400 та автомобиль, зарба ва ҳаво ҳужумидан мудофаа учун 1600 та ракета ва 4 миллион ўқ-дорилардан иборат.***



– Украинани Россиянинг шафқатсиз олға силжишидан ҳимоя қилиш бизнинг хавфсизлигимиз ва бутун Европа учун жуда муҳим, — дейди Сунак Варшавага ташрифи олдидан. У ерда Сунак Польша бош вазири Дональд Туск ва НАТО бош котиби Йенс Столтенберг билан Европа хавфсизлиги ва Россия таҳдидини муҳокама қилишни режалаштирмоқда.

Бош вазирнинг сўзларига кўра, эълон қилинган маблағ ўқ-дорилар, ҳаво ҳужумидан мудофаа тизимлари, Британияда ишлаб чиқарилган дронлар етказиб бериш, шунингдек, фронт чизиғидаги ҳарбий техниканинг муҳандислик таъминоти учун сарфланади.

## ЭРОН РАҲБАРИ ПОКИСТОНГА КЕЛДИ

***Эрон президенти Иброҳим Раисий музокара олиб бориш учун Покистонга келди. Бу ҳақда “Arab News” нашри хабар берди. Манбада айтилишича, сафардан мақсад Яқин Шарқда вазият кескинлашиб бораётган бир пайтда икки давлат ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлашга қаратилган. Шунингдек, мамлакатлар ўртасидаги ҳарбий тўқнашувлар юзасидан келишувга эришиш ҳам учрашувлар дастуридан ўрин олган.***



Эрон президенти Покистон пойтахтига турмуш ўртоғи, вазирлар маҳкамаси аъзоларидан иборат олий даражали делегация ва ишбилармонлар жамоаси билан келган. Уни Исломобод аэропортида Покистоннинг уй-жой ва қурилиш федерал вазири Миан Риаз Ҳусайн Пирзода ва Покистоннинг Эрондаги элчиси Мудассир Типу кутиб олган.

Бош вазир Шаҳбоз Шариф ва Эрон президенти Иброҳим Раисий Бош қароргоҳда расман учрашади. Покистон ва Эрон ўртасида делегациялар даражасидаги музокаралар раунди ҳам бўлиб ўтади, — дейилади Покистон томони тарқатган баёнотда.

## ҲАРБИЙ ВЕРТОЛЁТ ТЎҚНАШУВИ

***Малайзияда икки ҳарбий вертолёт парад репетицияси вақтида тўқнашиб кетди, деб хабар бермоқда “Malay Mail”. Жорий йил 23 апрель куни Малайзия қироллик денгиз флотининг 90 йиллигига бағишлаб ўтказилиши режа қилинган парад олдидан ўтказилаётган тайёргарлик вақтида икки ҳарбий вертолёт тўқнашди. Натижада вертолётларда бўлган 10 кишининг барчаси ҳалок бўлган.***




Тўқнашувда ўрта ҳажмли “AgustaWestland AW139” вертолёти ҳамда унинг енгил аналоги “Eurocopter Fennec” вертолёти иштирок этган. Вертолётлардан бири Лумутдаги авиабаза стадионининг кириш қисмига, иккинчиси бўлса авиабазанинг спорт мажмуаси сузиш ҳавзасига қулаган.

## “KNAUF” КОМПАНИЯСИ РОССИЯДАН ЧИҚИБ КЕТМОҚЧИ

***Германиянинг “Knauf” қурилиш материаллари ишлаб чиқарувчиси Россия бозоридаги ишларни бутунлай тўхтатмоқда. Жорий йил 22 апрель, душанба куни дунёга машҳур оилавий концерн “Knauf” гуруҳи ҳозирги воқеалар фонида Россияда 30 йилдан кўпроқ вақт давом этган фаолиятдан сўнг у ердаги бизнесини ташлаб кетишга қарор қилганини” тасдиқлади.***




Компания баёнотида айтилишича, 4000 дан ортиқ ходимнинг иш жойини сақлаб қолиш учун бутун бизнесни, жумладан, хомашё қазиб олиш, ишлаб чиқариш ва сотишни маҳаллий бошқарувга ўтказишга қарор қилинган. Россия расмийлари буни ҳали маъқуллаши талаб этилади.

“Knauf” Россиядаги бизнесини ташлаб кетишининг аниқ сабабларини очиқламади. Яқинда 2022 йилда айланмаси 15,4 миллиард еврони ташкил этган концерн Россия Федерациясидаги, шунингдек, Россия томонидан эгаллаб олинган Украинанинг Мариупол шаҳридаги фаолияти туфайли танқид остига олинганди. 2022 йил февраль ойида Россиянинг Украинага қуролли ҳужумидан бери барча немис компаниялари аллақачон Россияни тарк этган.

**Интернет маълумотлари асосида**
**Ислом ЭГАМБЕРДИЕВ тайёрлади.**

“Гулистон” ва “Театр” журналлари бирлашган таҳририяти жамоаси кадрлар бўлими бошлиғи Фариза Худойбергановага онаси

**Маъсума ая Адашбой қизи**нинг

вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

ТАЪЛИМ

# МУАММО, ЕЧИМ ВА ИСТИҚБОЛДАГИ ВАЗИФАЛАР




**Жамиятнинг янги тараққиёт босқичида олий таълимга эътибор кучайди. Чунки олий таълим — мамлакат ижтимоий-иқтисодий тизимлари фаолиятининг рақобатбардошлигини таъминловчи кадрлар, мутахассисларни тайёрлаш ва бошқарув корпусининг самарали фаолияти билан боғлиқдир. Мамлакатимиз тараққиётининг рақамлашуви, глобал муаммолар ечими билан рақобатга киришуви — ривожланган давлатларнинг етакчи университетларида тайёрланаётган, жаҳон андозаларига молик бакалавр ва магистрлар билан беллаша оладиган кадрларни тайёрлаш вазифасини илгари сурмоқда. Шунинг учун ҳам, олий таълимдаги ислоҳотлар — мамлакат ижтимоий-иқтисодий тизими такомиллашуви, яқин келажакдаги тараққиёт стратегияси эҳтиёжларига мос равишда олиб борилиши лозим.**

**Аввало, шуни таъкидлаш лозимки, шу пайтгача олий таълим ҳаддан ташқари назариялашган ва кафедралар фаолиятида амалий ёндашув етишмасди, натижада университетда назарий тайёргарликдан ўтган, аммо назарий билимларни амалиётда қўллашда қийинчиликларга учраётган кадрлар тайёрланди. Шунинг учун ҳам университетни битирган бакалавр ёки магистр бирор жойга ишга киргандан сўнг, янги ходим сифатида эгаллаган вазифасига мос келмаслик ҳолатлари юз берди ва бундай вазият ёш мутахассисларни иш билан таъминлашда муайян қийинчиликларга олиб келди. Бундай ҳолат университетларни тамомлаган ёшларнинг мутахассисликка оид билимларини амалиёт билан тизимли боғлаш заруриятини вужудга келтирди. Ҳеч кимга сир эмаски, ижтимоий-иқтисодий тармоқларда тор мутахассислар етишмаслиги юзага келди. Ҳозир ҳам битирувчининг касбий кўникмалари ва реал иқтисодий секторда мутахассиснинг касбий тайёргарлигига ҳамда иш берувчилар томонидан ёш кадрлар кўникмаларига қўйилаётган талаблари ўртасида тафовут мавжуд.**

Алалхусус, университет таълимида талабанинг фанларни ўзлаштириши, пировард натижада унинг билим савиясига қўйилаётган талабни кучайтириш — мутахассисликка оид билимларни амалиёт билан тизимли боғлаш орқали олиб борилишига эътибор қаратиш лозим. Рақобатбардош кадрларни тайёрлашга мўлжалланган бундай талабнинг кучайтирилишига олий ўқув юртида таълим сифатини ошириш орқали эришиш мумкин. Бундай сифатли таълим жараёни университетга таълим олиш учун эмас, балки фақат диплом олиш учун келган ёшларни ҳам четлаб ўтмайди. Чунки Тошкент амалий фанлар университетида талабалар билан ишлашнинг электрон тизими мавжуд. Университетда ҳар бир талабанинг муайян фандан ўзлаштириши, билим савияси, яъни жорий, оралиқ ва якуний ўзлаштиришини мониторинг қилиб бориш тизими рақамлаштирилган. Талабанинг илм олиш фаолиятини университет жамоатчилиги, кафедралар профессор-ўқитувчилари, деканат ходимлари, тьюторлар ва ниҳоят, ота-оналар ҳам кузатиб бориш имкониятига эгадир. Университетда талабанинг мутахассис сифатида шаклланиш жараёнини таъминловчи механизм яратилган. Тошкент амалий фанлар университетида, аввалambор, маъруза машғулотларига нисбатан амалий машғулотлар миқдори кўплигига (40/60) эътибор қаратилган, қолаверса, ҳар бир талаба реал ижтимоий-иқтисодий сектор, муассаса, ташкилотга бириктирилган. Ўқишнинг иккинчи босқичидан бошлаб ҳафтанинг бир (икки) куни талаба ўзи бириктирилган ташкилотида фаолият юритиб, келажакда эгаллайдиган ихтисослиги билан бевосита танишади, меҳнат жамоаси олдида турган кундалик вазифаларни ечишда иштирок этади. Университетни тамомлаган бакалавр ёки магистр бажариши лозим бўлган, унинг вазифасига кирадиган талабларни ўргана бошлайди. Университет кафедраларининг амалиёт билан ҳамкорлигини мустаҳкамлаш мақсадида, профессор-ўқитувчиларимиз билан бир қаторда реал ижтимоий-иқтисодий секторда фаолият юритаётган, кўп йиллик тажрибага эга мутахассислар ҳам ўқув машғулотларни олиб боради. Ўқув жараёни ва амалиёт ўртасидаги бундай ҳамкорлик бўлажак мутахассисларни рақамли иқтисодиёт талабларига мос кадр сифатида тайёрлашда ёрдам беради.



Қолаверса, меҳнат бозори ва олий таълим муассасалари томонидан тайёрланаётган малакали мутахассисларга бўлган эҳтиёж ва талаб — “ишлаб чиқариш ва истеъмол” ўртасида номутаносиблик бор. Битирувчилар ўқишни тугатгандан сўнг иш топиш муаммосига дуч келишади. Муассаса ва ташкилотлардаги такомиллашув жараёни, баъзи ҳолларда рақобатнинг кучайиши, ташкилотлардаги муайян секторларнинг қисқариши жараёни мутахассислик бўйича иш топишни қийинлаштиради. Бундай ҳолатда кўплаб олий маълумотли ёшлар ўз мутахассислигига мос бўлмаган ишга жойлашишга ёки қайта тайёрлашдан ўтишга мажбур бўлишади.

Олий таълим соҳасини сезиларли даражада молиялаштирмаслик, таълим соҳасидаги харажатларни доимий равишда оптималлаштириш таълимнинг асосий моҳиятининг янада пасайишига олиб келади. Бунинг сабаби зарур молиявий ресурсларнинг етишмаслиги — олий таълим тизимида ишлаётган юқори малакали мутахассислар етишмаслигига олиб келади. Юқори малакали профессор-ўқитувчиларнинг ижодий салоҳиятини қадрлаш нафақат олий таълим дастурларининг мазмунини ошириш, кадрлар тайёрлашда рақобат муҳитини шакллантириш, балки бутун жамият ривожланиши учун ҳам аҳамиятлидир. Шунинг учун ҳам университет кафедраларида ҳар бир профессор-ўқитувчига иқтидорига қараб ўқув юклама бериш мақсадга мувофиқ. Таҳлиллар шуни тасдиқлайдики, кимдир илмий ишни эплайди, яна бири методист, бошқа ўқитувчи маънавий тадбирлар устаси. Шунингдек, университетларнинг моддий-техник жиҳозланишига, аудиторияларнинг компьютер техникасининг сўнгги авлоди билан таъминланишига алоҳида эътибор қаратиш лозим, чунки ҳар бир фандан ўтказилаётган дарс мазмуни талабалар шуурига етиб бориши, тез ривожланаётган замон талабларига жавоб бериши керак.

Молиялаштириш фақат давлат томонидан ёки фақат талабалар шартномалари ҳисобидан бўлмаслиги лозим. Университетда талабалар ва профессор-ўқитувчиларни стартап-лойиҳалар, олиб борилаётган илмий ишлар якуни бўйича хўжалик шартномаларини бажаришга йўналтириш ва улар сифати устида ишлаш керак.

Стартаплар битирув малакавий иши, малака ошириш диссертациялари кўринишларида ҳам бўлиши мумкин. Бу ишлар корхоналар буюртмаси билан амалга оширилиши керак, олий таълимдаги илмий ишларга корхоналарни қизиқтира билишимиз алоҳида аҳамият касб этади. Бунинг учун мақсадли тренингларни ташкил этиш ечим калитларидан биридир. Талабанинг илмий лойиҳаси ёки битирув малакавий иши университет битирувчиларини кейинчалик ишга жойлаштиришга ҳам хизмат қилиши мумкин. Университетда ўқув жараёнини такомиллаштириш, ундаги эскирган ускуналарни алмаштириш ва янгиларини жорий этиш зарур. Жумладан, таълимга янги педагогик технологияларни мунтазам жорий қилиш лозим. Бу масала, албатта, малакали профессор-ўқитувчилар фаолиятига боғлиқдир ва улар меҳнати орқали таълим сифатини ошириш энг асосий вазифалардан ҳисобланади. Бинобарин, олий таълимдаги ўқув жараёнида бўлажак мутахассисларга мўлжалланган кўникма ва малакалар устувор бўлиши керак. Талабанинг ўз фикрларини мустақил ифодалаши, маълумотларни таҳлил ва синтез қилиш, сабаб ва оқибатларни кузатиш ва мустақил равишда қарор қабул қилиш қобилиятини шакллантириш зарур. Шунингдек, таълим сифатини ошириш бевосита таълим жараёнини сифатли ташкил этишга ҳам боғлиқдир. Таълим сифатини ошириш бўйича қуйидаги омилларга эътибор берилиши, рақобатбардош кадрлар тайёрлашнинг муайян ечимига олиб келиши мумкин.

Шунинг учун ҳам Тошкент амалий фанлар университетида олий таълим тизимидаги муҳим янгилик, Европа Кредит Трансфер кредит-модуль тизимида профессор-ўқитувчилар ва талабаларнинг ўқув юкламаси ҳажмига алоҳида эътибор берилди. Бунинг асосий сабаби ўтказилаётган ўқув дарслари, маърузалар ва семинарларнинг сифат кўрсаткичларини оширишга қаратилганлигидир. Ўқув жараёни шундай ташкил этилиши лозимки, унда профессор-ўқитувчи дарс сифатини ошириб боришдан манфаатдордир, яъни талабаларнинг дарс натижаларидан қониқиш ҳосил қилиниши таъминланиши жоиз. Ушбу жараён пировард натижада талабаларнинг фанлардан ўзлаштиришини яхшилашга олиб келади, яъни бундай ижобий натижа талабалар мустақил ишининг юқори даражада бажарилиши натижасида эришилади.



Европа Кредит Трансфер тизимининг яна бир хусусияти шундаки, талаба ҳар бир ўқув йили учун тўплаб бориши керак бўлган кредитлар миқдори олдиндан аниқ белгилаб қўйилган. Ушбу жараён натижасида талаба ҳар бир кредитни қўлга киритиш учун белгиланган ўқиш юкламаси ва мустақил ишни бажаради. Университет талабаларининг ҳар семестрдаги ўқув юкламаси эса ўртача 750-900 соатни ташкил этади. Юқоридагиларга асосланиб хулоса қилиш лозимки, талабанинг ўқув йилидаги ва жорий семестрдаги ўқув юкламаси шу ҳажмда бўлади. Шундай экан, талабаларнинг бир ўқув йили ёки бир семестр давомидаги ўқув юкламаси Европа Кредит Трансфер тизимига мувофиқ фаолият юритадиган барча университетларда деярли бир хил бўлади. Бундай умумийлик ўқув дастурлари учун жуда зарур бўлган барқарорликни таъминлашга хизмат қилади.

Ҳозирда аксарият маҳаллий университетларда талабалар бир семестр давомида одатда 8-10 тагача фанни ўқишига тўғри келмоқда. Таъкидлаш лозимки, ўқув семестри давомида талаба томонидан 8-10 фанни 4 ой ичида ҳар томонлама ўрганиш мураккабликларни келтириб чиқаради. Ўзбекистондаги олий таълим стандартлари тўғрисидаги қоидаларда ҳам университетларда ҳафтасига 36 соатгача аудитория машғулотлари белгиланган. Бундай шаклда ташкил қилинган ўқув жараёни 5 кунлик ҳажмидаги ўқув ҳафтасида ҳар куни 7 академик соатдан ўқув юкламасини бажариш зарурлигини англатади. Бундай шароитда баъзи талабалар ўқув режасида белгиланган, дарс жадвалида белгилаб қўйилган фанларни чуқур ўрганиш ўрнига, дарсларга ажратилган вақтини дарсдан дарсга, аудиториядан бошқа аудиторияга боришга, кечикиб қолмасликка самарасиз сарфлайди. Дарс давомида, ушбу фаннинг зарурлиги, унинг мутахассис сифатида шаклланишидаги ўрнини чуқур англай олмайди. Шу муносабат билан қайд этиш лозимки, ҳафта давомидаги асосий вақтни ўқув аудиториясида ўтказган талаба дарсдан ташқаридаги вақтини мустақил таълимга, бажарилиши лозим бўлган мустақил ишга ажратиши қийин бўлади.

Тошкент амалий фанлар университети кенгашининг 2022 йил 13 октябрдаги 1-сонли қарори билан университет ўқув жараёнига кредит-модуль тизими жорий қилинган. Ўқув ишига сарфланаётган ҳар 30 соатга бир кредит берилиши белгиланган. Шунингдек, қарорда академик баҳолаш тартиби ва мезонлари тасдиқланган. Кундузги таълим учун ҳар семестрда уч хил назорат тури киритилган, жумладан, жорий назорат учун 40 балл, оралиқ ва якуний назоратнинг ҳар бири учун 30 балл берилади. Университет кенгаши қарорида қайд этилганки, фанлардан қарздор талабаларга икки мартагача бепул қайта топширишга имконият берилади. Кейинги қарздорлик тўлов асосида қайта топширилади. Таъкидлаш лозимки, жорий, оралиқ ва якуний назорат олиш учун саволлар, топшириқлар ва тест саволлари ўқиш бошланган вақтида талабаларга эълон қилиниши мақсадга мувофиқ. Масалан, талаба фаннинг биринчи дарсида январь ойида ўтказиладиган якуний назоратнинг топшириқлари, саволларини олиши шарт. Шунингдек, ушбу фандан барча ўқув материаллари, маъруза матни, семинар саволлари, тестлар платформага жойлаштирилади. Жорий, оралиқ, якуний назоратни қабул қилиш жараёнидаги топшириқлар маъруза, семинар, лаборатория ва мустақил таълим учун берилган топшириқлардан тузилади. Ўқув режада соатлар 40/60 нисбатда берилган. Ўқитувчи фан бўйича 40 фоиз материални маърузада, семинарда ва лабораторияда беради. Қолган 60 фоиз ўқув материали учун талабаларга индивидуал бажаришга мўлжалланган топшириқлар фан ўқитувчилари томонидан берилиши лозим.

Талаба университетнинг биринчи курсидаёқ соҳа бўйича умумий билимга эга бўлгандан кейин, айрим йўналиш ва фанлар бўйича чуқурроқ билим шаклланади ва келажакда шу йўналишда ишлашга иштиёқ пайдо бўлади. Ушбу жараёнда академик гуруҳ тьюторининг ўз вазифасига жиддий ёндашуви, талабалар орасида ўтказиладиган тарбиявий ишни мунтазам суратда бўлажак мутахассислик билан боғлаб ўтказиши катта роль ўйнайди. Биринчи курсга кирганда университет остонасидан бошлаб талабанинг фаолияти учун тьюторнинг суҳбати, мустақил ишлашга ундовчи фикрлари муайян жиҳатдан янгилик бўлади. Тьютор талабага у танлаган ихтисосликнинг мазмуни, моҳияти, иқтисодий тизимлардаги ўрни ҳақида маълумот беради. Бу маълумотлар биринчи курс талабаси учун касбий фанларни ўзлаштиришнинг аҳамияти бўлажак мутахассис шаклланишидаги асосий омил эканлигини англашга ёрдам беради. Талабанинг университетдаги дастлабки кунларданоқ бўлажак ихтисосликнинг хусусиятларини тушуниб олишига ихтисослик ва мутахассислик кафедраси ҳақида кафедра вакили томонидан маълумот берилиши муҳим аҳамият касб этади. Шунинг учун ҳам мутахассислик кафедра мудирлари ўқитувчилар орасида ўқув юкламасини тақсимлаш жараёнида биринчи курс талабалари билан ишлаш вазифасини тажрибали профессор-ўқитувчиларга топшириши мақсадга мувофиқ. Албатта, биринчи курс талабаларини университет билан таништириш жараёнида университет ахборот-ресурс марказининг бўлажак мутахассис шаклланишидаги ўрнига эътибор берилади. Шунингдек, талабага фанларни ўрганиш жараёнида зарур бўлган мустақил иш режасини бажариш ва ушбу жараёнда ахборот-ресурс имкониятларининг ўрни тушунтирилади.

Тьютор ва мутахассислик кафедраси профессор-ўқитувчилари томонидан талабаларга китоблардан, дарслик ва ўқув қўлланмаларидан самарали фойдаланиш методикаси ҳақида ахборот берилади. Тьютор томонидан ахборот олишда муҳим роль ўйнайдиган дарсликлар, ўқув қўлланмалар, махсус адабиётлар ва монографиялар ҳақида кенгайтирилган ахборот бериш мақсадга мувофиқ. Шу муносабат билан қайд этиш лозимки, тараққиётнинг янги босқичида ёшларда китобхонлик маданиятини шакллантиришга муҳим ўрин берилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг таклифига биноан мамлакатимизда ёшлар орасида китобхонлик маданиятини оширишга қаратилган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг махсус қарори қабул қилинди.

Тараққиётнинг янги босқичи даврида баркамол, мустақил фикрлайдиган, ўзининг ҳаётий позицияси ва қатъий эътиқодига эга, жамият ҳаётида муносиб ўрин эгаллаш, жамиятни ислоҳ қилиш, янгилаш жараёнларида ҳал қилувчи куч ва таянч бўлишга қодир ёшларни шакллантириш, уларнинг ахлоқий, маънавий, экологик, сиёсий маданияти, ҳуқуқий саводхонлиги ва ҳуқуқий онгини юксалтириш ҳам муҳим аҳамиятга эгадир.

Талаба-ёшларни маънавий-ахлоқий жиҳатдан ва ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, уларда тарихий хотира, миллий ғурур ва ўзликни англаш, рўй бераётган воқеаларга дахлдорлик, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат туйғуларини шакллантириш университет таълимининг асосий вазифаларидан ҳисобланади.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, шуни таъкидлаш кераккки, сезиларли ютуқ бўлишига қарамай, замонавий олий таълим тизими ҳали ҳам яхшиланиши учун инновацион фикрлар, ғоялар сингдирилган, такомиллашган ислоҳотларга муҳтож. Олий таълим сифати ва малакали мутахассислар тайёрлаш ҳозирча талаб даражасидан анча паст. Буни юқори даражага олиб чиқиш учун университетда қулай таълим муҳити яратиш ишларини такомиллаштириб бориш зарур. Энг муҳими, рақобатбардош кадрларни тайёрлаш учун ўз соҳасини яхши биладиган профессор-ўқитувчилар, менежерларни кадрлар тайёрлаш жараёнига жалб қилиш зарур. Таълим маҳоратли профессор-ўқитувчилар воситасида, илм эса иқтидорли олимлар орқали ривожлантирилади.





**Абдусалом УМАРОВ,**
**Тошкент амалий фанлар университети ректори,**
**техника фанлари доктори, профессор.**

## НАЗМ

Гулчеҳра ШАҲОБИДДИН қизи

# Шабнамлар кўнглимни чайсалар...

### ЭРТАГИНГНИ АЙТ

Кўзларимга уйқу бегона,
Умид дилга ҳамроҳ, дугона,
Ёрни кутиб бўлдим девона,
Шаҳризодам, эртагингни айт.

Хали қирқ кун, тонгу тунлар бор,
Юрагимда маҳзун унлар бор,
Кўзларимда кетмас мунглар бор,
Шаҳризодам, эртагингни айт.

Майли, кунни тунларга улаб,
Отар тонгдан толеим тилаб,
Ҳижрон тоғи тушмасдан қулаб,
Шаҳризодам, эртагингни айт.

Шаҳризодам, чўпчагинг ёлғон,
Ёлғонлардан юрагим толган,
Ўшал бедил, беишқ, бедарднинг
Тош кўнглини тош санам олган.

Айтсанг унинг  қайтишидан айт,
Менга дилроз айтишидан айт,
Висол сўзин дилга этдим қайд,
Шаҳризодам, сен ростидан айт.

Кун ботмоқда, ёрдан хабар йўқ,
Изтиробдан юрагимда чўғ,
Хиёнатдан тегмасин деб ўқ,
Шаҳризодам, эртагингни айт.

Субҳидамдан умид ростлар қад,
Ҳажр сўзин айлабон қаҳат,
Бахт фаслидан келибди тўйхат,
Шаҳризодам, эртагингни айт.

Дил ишқидан яралмоқда байт,
Кунми, тунми, у қандайин пайт,
Энди фақат бахтдан эртак айт,
Шаҳризодам, эртагингни айт.

Айт, бўлмаса тугайди бу байт!

* * *

Китоб ўқимаганнинг
Юзлари нурсиз бўлар,
Кунларининг файзи йўқ,
Қалби ҳузурсиз бўлар.
Сўзлари ҳам маънисиз
Гаплари “туз”сиз бўлар
Китоб ўқимаганнинг.

Ўқирман бор, бори - оз,
Бу дардки, куйдирар боз.
Қўлни қўлга берсак соз,
Жам бўлиб ҳамма ҳамроз,
Телефонлардан кечиб воз,
Китобга бўлсак пешвоз,
Қандайин соз, қандай соз,
Ҳар бир китоб — бир устоз!

### АЖР

Кўнглим, сен айлама бунчалар оҳ-зор,
Банданинг бергани бандага озор.
Не сўрсанг биргина Ўзидан сўра,
Аввалу охиринг бўлмас асло хор.

Бошинг саждага қўй, сўрайвер бот-бот,
Биргина беминнат бергувчи ул зот.
Дуога қўл очиб этгил муножот,
Ҳақдан ўзга ҳеч ким беролмас нажот!

Ҳар кимга яраша беради ажр,
Кимга ишқ бергувси, кимгадир хажр.
Не сўрсанг биргина Ўзидан сўра,
Берса мукофотдир, бермаса хайр.

...Аввалу охиринг бўлсин бахайр!

### БИР МУҲАББАТ ИЗЛАДИМ

Ҳаловат топмадим
бир лаҳза ёрсиз,
Васлингга етмадим
тунлар бедорсиз.
Ишқда бахт бормикан
Азоб-озорсиз —
Бир муҳаббат изладим такрорсиз.

Муҳаббат бормикан
маломат, хорсиз?
Ё висол бормикин
ҳижронсиз, зорсиз?
Истадим бир гўша
бўлса ағёрсиз,
Бир муҳаббат изладим такрорсиз.

Чўққида виқор йўқ,
бўлса гар қорсиз,
Сиз менинг дилимга
қайтмас баҳорсиз.
Бу гўзал бўстонда
наҳот мен ёрсиз,
Бир муҳаббат изладим такрорсиз.

### ГУЛЛАШГА УЛГУРДИМ

Баҳор бўлгим келди,
гул бўлгим келди,
Лоладек қирларга
югурдим.
Шабнамга чайилган
дил бўлгим келди,
Гулладим, гуллашга
улгурдим.
Яшиллангим келди,
кўкаргим келди,
Қўшиқлар куйласам
зангори.
Қаддимни сарвдайин
кўтаргим келди,
Йўлларим бўлсалар
анвори.
Шабнамлар кўнглимни
чайсалар,
Ёмғирлар ювсалар
юзимни.
Барқ уриб яшнаса
майсалар,
Чечаклар қопласа
изимни.
Очилсам, гул бўлиб
очилсам,
Ифорим сочилса
ҳар томон.
Тоғларга, боғларга
шошилсам,
Ниҳоллар барг ёзса
соғ-омон.
ахир мен баҳорман,
гулман,
чечакман,
кетсам-да, ҳар фасл
бир келажакман,
кокиллари яшил,
қўшиғи зангор,
куртакдек қиқирлаб,
шод кулажакман.

...мен фасли баҳорман,
чаманман, гулман.

### МЕН ЎША

Тошни ёриб унган гул,
Дарё бўлиб тинган дил,
Чўғи ўчиб сўнган кул —
Мен ўша.

Хиёнатларга ёвман,
Ёндиргувчи оловман,
Шундай юраги довман —
Мен ўша.

Ул исёнкор, ул ёмон,
Ранги заъфарон, сомон,
Шунча ғамдан ҳам омон —
Мен ўша.

Яшаса-да изи йўқ,
Оташ-олов сўзи йўқ,
Дарди бор-у, бўзи йўқ —
Мен ўша.

Ойман — қўлинг етмаган,
Ишқи дилдан кетмаган,
Аламлари битмаган —
Мен ўша.

Муҳаббатдан дил яксон,
Ўн гулим бари хазон,
Қалбида ишқдан тўзон —
Мен ўша...

### ГУЛ

Сени очилмоққа қўймадилар, гул,
Сенга зулм қилиб тўймадилар, гул,
Алафни гул дея бошга қўйдилар,
Сени Гул ўрнида суймадилар, гул.

Уларни маст қилмас сендаги ифор,
Улар ўта баднафс, ўта зулмкор.



**Муаллиф ҳақида:**

Гулчеҳра ШАҲОБИДДИН қизи — Жиззах шаҳрида туғилган. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ва Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси аъзоси.

Шоирнинг “Соғинч”, “Янги ой чиққан кеча”, “Дилда дардинг бўлмаса”, “Қалдирғочим”, “Жон ичра жондир Ватан”, “Садарайҳон ифори”, “Онажон, кечир”, “Бахт хумори”, “Сизни соғиндим”, “Сўз зарби”, “Қақнус қўшиғи” каби шеърий тўпламлари эълон қилинган.

Фақат сен бош эгма, барг ёз умидвор,
Улар гуллигингни билмадилар, гул.

Улар шундай касдир, кўз ёшлар бекор,
Ўзидан ўзгани айларлар инкор.
Уларда юрак йўқ, бир парча гўшт бор,
Сени очилмоққа қўймадилар, гул.

Хоҳласа бошингда қорлар ёғдирар,
Баргларингни юлар, эсдан оғдирар.
Алар ёмонлик-ла кўнгли чоғ турар,
Сени бир гулчалик суймадилар, гул.

Улар ёмонлигин қўймадилар, ГУЛ,
Сенга азоб бериб тўймадилар, гул.
Бечора гулим-а, чорасиз гулим,
Сенинг дардинг чекиб йиғлайди кўнглим.

Сени баҳорингга бермадилар, гул!..

## КЕЧИНМА



# ОНА

Мўътабар ая ярим тунда чўчиб уйғониб кетди. Тушига ўртанча ўғли кирибди. Ўрнидан туриб ўтирди.

— Дадаси, Фарҳод ишдан келдими? — хуррак отиб ухлаётган эрини туртиб сўради Мўътабар ая.

— Ярим кеча бўлди-ю, келгандир... — дея эри нариги ёнбошига хотиржам ағдарилди. Аянинг хавотири ошди. Чунки ўғли ишдан кеч қайтади. Лекин қай пайтда келса ҳам, онасининг ётоғи эшигини аста чертиб: “Дада, ойи, мен келдим”, деб хабардор қилиб қўярди. Ая шундан сўнггина хотиржам уйқуга кетарди. Аммо кеча кун бўйи набираси билан дўхтирма-дўхтир юриб чарчади, шекилли, боши ёстиққа тегиши билан қотиб ухлаб қолибди. Балки ўғли келмаган бўлса-чи? Тунда кўчада яхши бор, ёмон бор. У хаёлига келган ўйлардан чўчиб кетди. Дик этиб ўрнидан турди. Кенжа ўғлининг хонасига кирди.

— Сардор, ҳой Сардор, намунча қаттиқ ухлайсан, болам? Аканг ишдан келдими?

— Келган бўлса керак. Кимдир телевизорнинг овозини баландлатгандай бўлганди, — уйқусираб деди Сардор.

Ая яна қайтиб хонасига кирди, чироқни ёқди.

— Уфф, аяси, ҳамма ваҳима сенда. Келган-да. Келмай қаёққа борарди, кап-катта, эсли-ҳушли йигит бўлса. Тинчгина ётиб ухласанг-чи, ҳадеб ғивирламасдан. Бўлмаса, телефон қилиб кўр.

— Қизиқмисиз? Бемаҳалда телефон овозидан болалар уйғониб йиғласа, келин чўчиб кетса-чи? Қўйинг, уларни безовта қилмайлик.

— Бўлмаса, билганингни қил, лекин чироқни ўчир, эрталаб барвақт туришим керак.

— Бўпти, уйқуям ўлсин.

Ая чироқни ўчириб чиқиб кетди. Ўғлининг уйи олдида бироз турди, кейин минг хижолат билан залга кирди. Нафас чиқармай ичкарига қулоқ солди. Ўғли бир маромда хуррак отиб ухларди. Шу тобда она учун дунёда шу хуррақдан ёқимлироқ сас йўқ эди. У аста ташқарига чиқиб эшикни ёпди. Мамнун жилмайди. Шу чоғ қўноқдаги хўроз чўзиб-чўзиб қичқирди.

**Муҳаббат ҲАМИДОВА**

## НАСР

Собиржон ИНОМОВ

# ЙИҒЛАЁТГАН ДАРАХТЛАР

(Ҳикоя)



Каналнинг оқими бўйлаб шаҳардан чиқаверишда олисдан якка тепа кўзга ташланади. Шу тепаликка чиқилса бас, қишлоқ бор бўй-басти билан намоён бўлади. Қадимда бу замин катта дарёнинг ўзани бўлган экан. Шу боис ерлар тошлоқ, сувлоқ. Озгина қазилса бас, сиртига сув сизиб чиқади.

Тепаликда мўъжазгина бўлиб кўринган бу қишлоқни билмайдиган одам ўрмонзор, деб хаёл қилиши аниқ. Бу ерда нима кўп, дарахт кўп. Уларнинг аксарияти мевали: қандак ўрикми, ҳар донаси тухумдай ҳосил қиладиган чилонжийдами, олмами, туксиз, тукли шафтолими, ерга тушганда тарс-турс ёрилиб кетадиган пўстлоғи юпқа ёнғоқми — э, ҳаммасидан бор. 30-40 йиллар оралиғида вояга етган ёшлар қишлоқни мевали боғ, деб атай бошлаганлар шу важдан.

Ўткир ака ҳовлида йиғ-тер билан андармон бўлиб юрганди. Мактабга етмай изига қайтган набираси Рустамжон гап топиб келди:

— Бобожон, сиз эккан дарахтларни биров моторли арра билан кесмоқчи. Шуни айтгани келдим.

Ўткир аканинг буғдой рангга мойил чеҳраси бирдан докадай оқарди. Пастки лаби уча бошлади. Чап кўкрагида оғриқ сезди. Туфлисини кияётганида боши айланди. Бундай ҳолат энди бўлаётгани йўқ. Кўникиб қолган. Ўзини маҳкам тутиб кўчага чиқди.

— Бобожон, мен ҳам, — эргашди набираси Рустамжон орқасидаги папкани тепароқ кўтариб оларкан.

Ўткир ака уст-бошига разм солди — уй кийимида кетаяпти экан. Ҳа, нима қилибди, қишлоқчилик, қолаверса, ҳозир тошойнага термулиб, пардоз-андоз қиладиган фурсатми? Бу ёқда оёғи остидан ел ўтмаганлар у бир вақтлар эккан дарахтларга сўрамай-нетмай арра солаётганида...

Ўткир ака катта-катта қадам ташлаб кетаётиб, илгариги куч-қуввати йўқлигини бāралла идрок этди. Пешонасидан муздек тер чиқиб кетганди. Эҳ, у пайтлар. У йигитлик онларини хўрсиниш билан эслади: “Шу дарахтлар ниҳолларини олисдан елкамда келтиргандим. Сўнг мол-ҳолдан асраш учун атрофига баланд сим тўр тутгандим-а! Одамлар молдан ҳам ёмон-да”.

Ўшанда Ўткир ака олийгоҳни энди битириб, колхозга ҳосилот бўлиб ишга келганди. Очиқ бир таноб жой ҳам унинг назаридан четда қолмаганди. Кўклам бошланди дегунча дов-дарахт экишдан бир муддат тинмасди. Ҳаммани бир түп бўлса-да, мевали дарахт экишга ундарди.

Улар яқинлашиб қолишганида ёнғоқ дарахтининг ерга яқин битта шохи кўча томонга қулаб тушди. Ўткир ака гўё ўзи қулаб тушгандай бир мункиб кетди. Кўзларидан ўт чақнади. Аррачи йиқилган ёнғоқ шохини саранжомлаш учун пастга тушди. Яна аррани қўлга олди.

— Тўхта! — Ўткир ака зарда билан хитоб қилди. Бироқ аррачи эшитмади. Ерда ётган ёнғоқ шохига тиғ солди. Ўткир ака бор кучини тўплаб чопдими ёки катта қадам ташлаб етиб олдими — билмади. Аррачининг ёнида ҳозир бўлди. Тиғ тутган ингичка қора қўлларини маҳкам тутганча четга олди. Аррачи арвоҳга дуч келгандай бир сапчиб тушди:

— Амаки, нега мени ушлайсиз? Қўлингизни арра кесиб кетса...

— Мана, сенга қўлларим керакми? Шуларни кесақол! Лекин дарахтларимга тегма, тушундингми? Акс ҳолда, кўзларинг кўр бўлиб қолади! Булар қишлоқнинг кекса-ю ёшини ҳосилидан баҳраманд қиляпти-я!

Аррачи нотаниш кексанинг важоҳатидан чўчиб, ноилож ўзини четга олди.

Ўткир ака қалтираб титраётган қўлларини муштлаганча яна аррачига юзланди:

— Сенга ким рухсат берди?

— Ана, ўзи, — деди аррачи синиқ оҳангда.

— Ҳой бола, нега аррангнинг товуши чиқмай қолди? Тезроқ қимирла. Кечгача бу чириган дарахтларни қулатиб ташламасанг, улгуролмаймиз. Эрталаб заказчиклар етиб келади, — деди чўзинчоқ юзи сариққа мойил, ёш бўлса ҳам қорни бесўнақай осилган, оёқ-қўллари калта, бўйнига сиқиб бўйинбоғ боғлаб олган йигит.

— Мана бу амаки, — аррачи кўзининг қири билан Ўткир акани кўрсатди, — рухсат бермаяпти.

— Ие, бу одам ким, нега бизнинг ишимизга бурнини суқади?

Аррачи билмаслигини аён қилиб, яна елкасини учирди.

— Сен ишингни қил, кўчадаги ҳар бир одамнинг дийдиёсига қулоқ тутсанг, бир ойда ҳам бу ишни тугатолмайсан.

— Ҳали кўчадаги одам бўлдимми? — Ўткир аканинг бирдан зардаси қайнаб кетди. — Мен идорада ишлаб, шу дарахтларни экканимда, сен энангнинг қорнида ҳам бўлмагансан, тирранча!

Бу орада уч-тўрт қишлоқ қариялари арра товушини эшитиб, идора яқинига етиб келганди. Ўткир ака куппа-кундузи овоз чиқармай ич-ичидан ўксиб-ўксиб йиғлаётганидан ҳайратда қолишди. Ҳамқишлоқларининг ёнига кириб ҳамдард бўлишга ўзларини чоғладилар. Шунда бир қария тилга кирди:

— Ҳой бола, сен ўзи кимсан, бу ерга қаёқдан келдинг? Сўраш, исташ йўқ, дарахтларга ўзбошимчалик билан арра солдиряпсан.

— Ишбилармон! — кўрслик билан жавоб берди бўйинбоғли йигит. — Ўзим шаҳарда яшайман. Мана шу жойларни дарахт-парахти билан сотиб олганман.

Ўткир аканинг оёқ-қўлларида бирдан ғойибдан куч пайдо бўлди. Шаҳарликка бир ҳатлаб етди. Унинг ёқасидан маҳкам қисганча деди:

— Дарахтнинг бир шохини ҳам кестирмайман. Ерда ётгани учун товон тўлайсан. Ўзи умрингда лоақал бир туп ниҳол экканмисан? Сендақа ишбилармонлардан ўргилдим!

Бўйинбоғли йигитнинг нафаси бўғилиб, ранги докадек оқарди. Бир силтаниб ғазабнок рақибидан узоқлашмоқчи бўлди. Лекин ниҳол экиб кўкартиришга қодир Ўткир аканинг қўллари ҳали бақувват, ушлаган жойини узиб олгудек чайир эди.

— Ўткирбой, ке, қўй, набиранг тенги бола экан, — деди қариялардан бири гапга аралашиб. — Қишлоқдагиларни, чамаси, бўш-баёв, нима қилсам бўлаверади, деб ўйлаган, шекилли. Лекин биз бу ердаги ҳар бир туп дарахт учун жавобгар эканлигимизни, қишлоғимиз ҳар ким билганини қиладиган тажриба майдони эмаслигини бу болага тушунтириб қўямиз ҳали. Шунгаям Худодан инсофу тавфиқ сўрайлик.

Ўткир ака андек бўшашди, қўлини “ишбилармон”нинг ёқасидан туширди. Ёвқараш қилганича нари кетди.

Шаҳарлик қийшайиб қолган бўйинбоғини тўғрилаётиб, нима қиларини билмай томошабин бўлиб турган аррачига бутун заҳрини сочди:

— Нега безрайяпсан? Ҳализамон ҳақини сўрайсан, ҳеч бўлмаса, кесган шохингни майдалаб, бир ёқли қилмайсанми? Майли, қолганига...

— Бунга ҳам тегмайди! — деди Ўткир ака қаттиқ ва зардали овозда. — Ўзим саранжомлайман. Бу дарахтларнинг ўлиги ҳам, тириги ҳам меники.

Шаҳарлик лом-мим демади. Аррачини машинасига ўтқазиб кўздан ғойиб бўлди.

Йўл ёқасидаги муаззам мевали дарахтлар омон қолганларига хурсанддек эдилар. Ўзларининг халоскорларига миннатдорчиликларини билдираётгандек япроқлари билан тинимсиз чапак чалар, аҳён-аҳёнда эрталабки қалин шудринг томчи бўлиб ерга думалар, халоскорлари каби дарахтлар ҳам гўёки йиғлаётгандек эдилар...



***Муаллиф ҳақида:***

Собиржон Иномов — 1950 йил 21 майда Пискентда туғилган. ТошДУ (ҳозирги ЎзМУ)нинг журналистика факультетини тамомлаган.

Унинг “Қўмсаш”, “Нажот кўприги”, “Тун бағридаги шарпа”, “Ҳаёт иншоси”, “Чинорлар узоқ яшайди”, “Кўзлари нигорон”, “Йўл бўйлаб”, “Соқов хотин”, “Эгали уй”, “Осмоннинг устуни”, “Йўл — умр, йўл — ҳаёт”, “Бедор қалб туҳфалари”, “Ортга қайтмас умр”, “Чархпалак дунё”, “Қисмат битиги” каби китоблари чоп этилган.

Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси ва Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг аъзоси.

## МАЪРИФАТ

# ҚАДИМИЙ МИНГТЕПАДАГИ ЗИЁ МАСКАНИ




**Оламшумул шон-шуҳрат топган улуғ аждодларимиз илм-маърифат йўлидаги тинимсиз саъй-ҳаракатлари, машаққату изланишлари натижасида мақсадга эришганлар.**

**Соғлом оилавий муҳит туфайли улуғ ҳамюртимиз, Ислом оламининг йирик мутафаккири Имом ал-Бухорий беш-олти ёшидан исломий илмларни, ҳадисларни ўрганишга киришган бўлса, ўн олти ёшгача ўз юртидаги ровийлардан бирорта ҳам ҳадисни қолдирмасдан ўрганган. Шундан сўнггина сафарга отланиб, Макка, Мадинадан ташқари ўндан ортиқ шаҳарларда ҳадисларни тўплаб, ёзиб олди, натижада ҳадис илмининг султони даражасига етди. Улуғ шоир Алишер Навоий тўрт ёшида Фаридиддин Атторнинг “Мантиқут тайр” китобини, етти ёшида ал-Бухорий тўплаган олти мингдан зиёд ҳадиси шарифларни, ўсмирлик чоғида эллик минг байтдан ортиқ шеърларни ёд билди. Ўн олти адабий жанрда баракали ва самарали ижод қилган мутафаккир шоир, ғазал мулкининг султони бўлди. Қолаверса, мадрасаю кутубхоналар, мактаблар очган маърифатпарвар боболар номини мисол қилиб келтириш мумкин.**

Инсон фаровонликда яшаши учун фақат меҳнат қилишнинг ўзи етарли эмас. Маънавий камолотга маърифат етказади, яратувчилик, бунёдкорлик, тўкин ҳаёт, муваффақият, юксак марраларга ҳам илм ортидан эришилади.

Ёшлар чин ватанпарвар бўлиши учун ҳам энг аввало, уларни китобга муҳаббатли, илму маърифатли қилиб улғайтиришимиз лозим.

Республикамизда, жумладан, Андижонда ҳам замонавий кутубхоналар йилдан-йилга кўпайиб бормоқда. Андижон шаҳрида жойлашган, юз йилдан зиёд тарихга эга Заҳириддин Муҳаммад Бобур номидаги кутубхона яқин йилларда катта маблағлар эвазига таъмирдан чиқарилиб, энг замонавий зиё масканларидан бирига айлантирилди. Шунингдек, Андижон шаҳрининг Чўлпон боғи ҳудудида кўзи ожизлар кутубхонаси тубдан янги қад ростлаган замонавий, кенг ва ёруғ бинода фаолият юритмоқда. “Боғи Бобур”да Бобур ва бобурийлар тарихига оид кутубхона-музей замонавий ва миллий услубдаги кўркам бинода фаолият кўрсатмоқда. Бу ҳудудни Президентимиз ташаббуси билан янги лойиҳа асосида дунё бобуршунослари, чет эллик сайёҳлар учун гавжум тарихий масканга айлантириш бўйича саъй-ҳаракатлар бошланган.

Бугунги кунда юртимизда халқ кутубхоналари сони ҳам ортиб бораётгани, китобхон ёшлар кўпаяётгани қувончли, албатта. Инсон қалбидаги энг гўзал туйғулар, чин инсоний фазилатлар бетакрор бадиий асарлар, китоблар мутолааси орқали шаклланади. Эзгу мақсадлар, юксак марралар ҳам китобхонлик, маърифатлилик ортидан қўлга киритилади.

Мамлакатимиз Президенти Шавкат Мирзиёев 2017 йилда китобхонликни ривожлантириш, ёш авлоднинг китобга бўлган муҳаббатини юксалтириш бўйича муҳим ҳужжатлар имзолади. Кейинги йилларда адабиёт аҳлига, маънавиятга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўз ўрнида бу эътибор халқнинг олдинги сафида юрувчи, ортидан халқни эргаштира олувчи адиблар зиммасига залворли вазифа ва масъулият ҳам юклайди.

Учинчи Ренессанс пойдеворини қўйиш, инсониятга улуғ даҳоларни берган халқимиз ичидан янги уйғониш даврининг йирик вакиллари етишиб чиқиши учун ҳам айнан зиёли қатлам зиммасида улкан вазифалар турибди.

Республикамиз Президенти 2023 йил 22 декабрда “Маънавият ва маърифат” кенгашининг кенгайтирилган йиғилишида тилга олган бугунги кун жадидларидан бири, ташаббускор инсон, Андижон вилоятининг Марҳамат туманида яшовчи тадбиркор Қобилжон Обидов аввал турли йўналишларда, халқимизнинг соғлом турмуш тарзини яратиш, иқтисодий тараққиёт борасида ўз лойиҳаларини амалга ошириб, халқнинг ҳурматига сазовор бўлган бўлса, кейинги йилларда маънавият соҳасида янги ташаббусларни илгари сурди. 2020 йилда Марҳамат шаҳрида замонавий муҳташам кутубхона ҳамда шахмат мактаби қурди. Вилоятнинг қўшни давлатга чегарадош ҳудудида бунёд этилган ушбу зиё масканлари бетакрор замонавий архитектураси, ўз олдига қўйган мақсади билан ажралиб туради. Баланд ва ёруғ залларга эга кутубхона уч қаватдан иборат бўлиб, дунёнинг машҳур кутубхоналари каби ўзига хос дизайнда жойлаштирилган бой китоблар фондига эгалиги, китобхонларга хизмат кўрсатишнинг қулай ва замонавий услуби жиҳатидан водийда ягона халқ кутубхонаси, дейиш мумкин.



Кутубхонанинг таърифи юртимизнинг барча ҳудудларига, қўшни давлатларга ҳам ёйилган. Вилоятимиз меҳмонлари ушбу зиё масканини кўриб, унинг фаолиятини ўрганишга қизиқадилар.

Президентимиз Андижон вилоятига ташрифи чоғида ушбу кутубхона ва шахмат мактаби фаолияти билан танишди. Дарсдан бўш вақтларида тажрибали мураббийлардан сабоқ олаётган шахмат мактаби ўқувчиларининг интилишларини қўллаб-қувватлаб, бошқа шахмат мактаблари билан тажриба алмашиб бориш муҳимлигига эътибор қаратди. “Ёшлар кутубхонаси”да эса вилоятнинг фаол ёшлари вакиллари билан мулоқот қилди.

— Давлатимиз раҳбари билан учрашувда дастлаб бироз ҳаяжонландим, — деди Муҳаммад Юсуф номидаги ижод мактабининг ижодкор ўқувчиси Маржона Умарова. — Кейин эса самимий мулоқот, оталарча ғамхўрлик билан ёшларнинг фикрларини қўллаб-қувватлашларини кўриб, ўзимга ишонч ва янги орзу-мақсадлар пайдо бўлди. Демак, биз нимага интилсак билимимиз, изланишларимиз орқали, албатта, мақсадимизга етишимиз мумкин, биз, ёшлар бу имкониятни қўлдан бермасак бас. Айни вақтда саккиз юз мингга яқин ёшларга чет тилларини бепул ўргатаётган “Ибрат фарзандлари” лойиҳаси раҳбари Рустам Қориев натижалар ва истиқболдаги режалар ҳақида сўзлаганда, Президентимизнинг: “Мени ҳам ҳаяжон босадиган пайт бор экан”, деганлари барча учрашув қатнашчиларининг кайфиятини янада кўтарди.

Ёшлар кутубхонасида ўттиз мингдан зиёд китоблар мавжуд. Зиё маскани олти ой давомида таниқли олимлар, мутахассислар тавсиялари билан шаклланган рўйхат асосида мумтоз, замонавий ўзбек адабиёти намуналари, жадид боболар мероси, жаҳон адабиётининг таниқли вакиллари китоблари билан бойитилган. Бундан ташқари, Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон миллий кутубхонасининг тўрт юз минг нусха электрон китобларидан ушбу кутубхонанинг ўзида фойдаланиш имконияти мавжуд.

Кутубхона турли ёшли юртдошларимизга хизмат кўрсатишни ўз олдига мақсад қилган бўлиб, бир вақтда жами 250 нафардан зиёд китобхонга хизмат қилишга мўлжалланган. Болалардан тортиб, кекса ёшдаги китобхонлар учун ҳам алоҳида мутолаа хоналари ташкил этилган.

Кутубхонада Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Республика маънавият ва маърифат маркази вилоят бўлимлари, вилоят халқ таълими бошқармаси, Марҳамат тумани ҳокимлиги, Ёшлар ишлари агентлиги билан ҳамкорликда маънавий-маърифий тадбирлар ўтказилиб турилади.

Кутубхона вазирликлар билан ҳам ҳамкорликни йўлга қўйган. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси беш юзта, Ўзбекистон мудофаа вазирлиги тўрт юзта бадиий адабиётлар, Олий таълим, фан ва инновация вазирлиги тўрт юздан ортиқ электрон китоблар билан кутубхона фондини бойитишга ҳисса қўшди. Келгусида уюшма томонидан нашр этилган янги китоблардан кутубхонага етказиб бериш режалаштирилди.

Фидойи юртдошимиз Қобилжон Обидов адабиётга ихлоси, китобга муҳаббати туфайли адабиётшунослар, адиблар билан дўстона алоқада. Кутубхонага ёндош Эркин Воҳидов шахмат мактабида устоз адибнинг ўғли Хуршид Воҳидов билан ҳамкорликда алоҳида шоир ҳаёти, фаолияти, ижодий меросига оид музей ташкил этилган.

— Кўп фарзандли катта оилада ўсиб-улғайдим. Ёшликдан китобга меҳрим баландлиги учун кутубхона қуриш орзум эди. Республикамиз Президенти Шавкат Мирзиёевнинг китобхонликка, ёшларнинг билим салоҳиятини юксалтиришга катта эътибор қаратгани, ёш авлоднинг китобга бўлган муҳаббатини юксалтириш бўйича қарорлар имзолаганидан кейин ушбу мақсадимни амалга оширишга астойдил киришдим. Республикамизнинг чекка, чегара ҳудуди бўлмиш қадимий Мингтепа — Марҳаматда кексалару ёшлар орасида китобсеварлар кўп, — деди Қобилжон ака, — бу мақсадларимни амалга оширишдан ижодкор дўстлар, таниқли олимлар Шуҳрат Ризаев ва Олимжон Давлатов билан маслаҳат қилдим. Улар кутубхона фондини жаҳон адабиётининг нодир намуналаридан тортиб, мумтоз, замонавий адабиёт вакиллари китоблари билан бойитишни маслаҳат берди. Ёшларимиздан ташқари турли ёшдаги китобхонлар ҳам кўп. Кекса ёшдаги юртдошларимиз уй шароитида фарзанд-набиралар қуршовида китоб ўқишга шароити бўлмаслиги мумкин. Бизнинг кутубхонамизда эса кексалар учун ҳам алоҳида заллар мавжуд. Китоб учун, кутубхона, маърифат учун сарф бўлган маблағни ҳеч қачон ҳисоб-китоб қилмаганман. Президентимиз улуғ жадид боболарни, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов каби устоз адибларни, уларнинг халқимиз учун хизматларини кўп тилга олади. Мен шу юрт вакили, юртимизда яратилган шароитлар туфайли катта имкониятларга эга бўлган тадбиркор сифатида келажак авлод саводхонлигини оширишга ҳисса қўшишдан бахтиёрман.

Ёшларни китобхонликка қизиқтириш, билимларини юксалтириш учун мутасадди ташкилотлар билан ҳамкорликда жадид боболар ҳаёти ва фаолияти, маънавий меросини ўрганишга оид танловлар ўтказиш, кутубхона тармоқларини таълим муассасалари кесимида кенгайтириш галдаги вазифалардан.

Халқимиз фаровонлиги, Ватанимиз ободлиги, ёшларимизнинг эртанги ёруғ келажаги учун жадид боболар айтганидек, “Тилда, фикрда, ишда бирлик” шиори билан меҳнат қилаётган юртдошларимизга тилагим:

*Сизга мадад берсин Худойим,*
*Сиз эл учун бўлинг мададкор,*
*Гул очилсин йўлларингизда,*
*Қалбингизда яшасин баҳор!*

*Дуоларнинг хосиятидан*
*Нур ёғилгай ой-юлдузлардан,*
*Сизга нигоҳ тикканлар ҳаққи,*
*Асрасин Ҳақ ёмон кўзлардан.*

*Юрт деб уриб турса юраклар,*
*Эзгуликка бўлса чин ҳамроҳ,*
*Иншооллоҳ, сақлагай омон,*
*Сиздек улуғ зотларни Аллоҳ!*

**Хуршида ВАҲОБЖОН қизи,**
**Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси**
**Андижон вилояти бўлими**
**раҳбари, шоира.**

# УЛАР МАЖНУНА ЭМАС...

2-б.

Айтиш жоизки, Бухоро шаҳар ҳокимлиги, Ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлими, Бухоро давлат университети, Бухоро инновацион таълим ва тиббиёт университети ва бошқалар билан маънавий-маърифий тадбирларни ўтказишда ҳамкорлик қилинмоқда. “Нуроний” жамғармаси ҳомийлигида эса васийликка олинганлар учун шаҳримиздаги диққатга сазовор жойларга саёҳатлар уюштирилмоқда. Бу тадбирлар ҳамиша қизиқарли ва эсда қоларли тарзда ўтказиб келинмоқда.

Хотин-қизларнинг саломатлигига эътибор ҳамиша устувор. “Мурувват” ногиронлиги бўлган аёллар учун интернат уйи яшовчилари йилда икки маротаба чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказиларкан. Март ойининг биринчи ўн кунлигида ташкил этилган тиббий кўрикда васийликка олинган аёлларнинг барчаси кўрикдан ўтказилди, лаборатор-инструментал текширувларга жалб этилди. Тиббий кўрик натижаларига кўра, текширувдан ўтганларнинг 985 нафарида касалликлар аниқланган. Шундан 370 нафарида бирламчи хасталиклар, 240 нафардан ортиғида терапевтик, бешта кўз, тўққизта эндокринологик, еттита руҳий-асаб, 19 та неврологик, 43 та хирургик, еттита травматологик, 16 та урологик, 11 та стоматологик ва бошқа касалликлар аниқланган. Тор соҳа мутахассислари томонидан уларни соғломлаштириш чоралари белгиланди.

Ўн беш йилдан буён шу ерда истиқомат қилиб келаётган Рўзибека Ражабова билан суҳбатлашганимизда, у бу ердаги шарт-шароитлар яхшилигини, ўз қизиқишлари доирасида тадбирларда ва ички танловларда фаол иштирок этишини, айниқса, Фармонбиби ролини севиб ижро қилишини, гипертониядан азият чекишини, бироқ тиббиёт ходимлари унинг аҳволидан доимо хабардорлигини, китоб ўқиб туришини, пазандачилик тўгарагига қатнашиб, турли пишириқлар пиширишни ўрганганини эътироф этди. Биз билан эркин суҳбатлашаётган Рўзибека опа ёд олган шеърлари ва қўшиқларидан айтиб берди.

Олам-олам армонлар қалбининг тубига кўмилган бу ожизаларга қараб юрагингнинг бир четида ачиниш ҳис қиласан киши. Оиласини, фарзандларини қўмсаб, кунлар санайдиган, яқинлари келганида ўзига сиғмай, боладек ирғишлайдиган мажнуналарнинг дардини тушунгандек бўласиз. Зеро, бу зотларни дунёнинг ҳеч бир ялтироқликлари, ҳеч бир ҳаваслари яқинлари дийдори каби бу қадар ўзига жалб этолмайди. Дийдорнинг қадрини ҳеч кимса уларчалик билмайдигандек туюлаверади. Улар мажнуна эмас, улар фаришта, дегинг келади.

## Шу ўринда бир мулоҳаза...

Интернат уйига ташриф чоғида бир манзара эътиборимни тортди. Очиғи, қоровулхонадаёқ бошланган “расмиятчилик” таъбимни хира қилди. Махсус кийимдаги қоровул раҳбар билан телефон орқали гаплашиб, унга кимлигимни, мақсадимни етказди. Тахминан ўн дақиқалар ўтиб, оқ халат кийган ва ўзини бош тиббий ходим деб таништирган йигит келди. Унга гувоҳномамни кўрсатиб, қаерданлигимни, нима мақсадда келганлигимни тушунтиришимга тўғри келди. Менда у нима қилиб бўлса ҳам тезроқ қутулишга ҳаракат қилаётгандек тасаввур уйғотди. “Байрамдан кейин келинг, бугун тадбирларимиз кўп”, деган гапни айтди. Бунга қадар кўчадаги турнақатор тизилган автоуловларни кўриб: “Бугун бирон тадбир ўтказилаётган бўлса керак”, дея қоровулдан сўраганимда, у тадбир йўқлигини, уловларнинг барчаси шу ерда ишлайдиган ходимларга тегишли эканлигини айтганди. Мен уларнинг тадбирига халақит бермаган ҳолда ўз ишимни қилишимни айтдим ва биз Д.Итолмасов билан унинг хонасига кирдик.

Журналистик услубимдан келиб чиқиб, бу ерда яшовчиларнинг биронтасининг ҳаётидан ибратли жиҳатларни олишни мақсад қилгандим. Албатта, бу ишга ўзига хос ёндашилиши, қаҳрамон ҳам аноним бўлишини тушунтирдим. Бу фикрларимни маъқуллаган ходим орадан фурсат ўтиб, бошқача гапира бошлади. Бу шахсга доир маълумотни ошкор қилишга кираркан, бунинг учун жавобгарлик бор экан. Қизиқ, шахси ошкор қилинмаган аноним маълумот учун ким кимни жавобгар қилишини мен тушунмадим. Яна бир ажабланарли жойи шу бўлдики, раҳбар А.Ҳамдамовдан муассаса мисолида давлат сиёсати ижроси, бу ерда хотин-қизларга яратилган шарт-шароитлар тўғрисида икки оғиз интервью беришини сўраганимизда, гапимиз оғзимизда қолди. Директор шарт эмас, деган қисқа жавобни қилди.

“Бир-икки абзацлик мақола чиқса бўлди. Бир опа бор, шу кишини чақирамиз. Шароитларни мақтайди. Бўлди, шу етади сизга”, деб ақл ўргатаётганлар журналистика фақат хабар ёзадиган ёки ҳисоботларни эълон қиладиган восита эмаслигини, унинг ҳам ўз формати, жанрлари, жараёнларни ифодалаш усуллари борлигини билишармикан? Энг қизиғи, расм олишимизга ҳам монелик бўлгани. Ўзимиз расм ташлаб берамиз, дейишди-ю, ташлаб берган саноқли расмлари кал бошга узатилган тароқдек талабимизга жавоб бермади. Қатиқ тугул, совуқ сувниям бу қадар пуфлаб ичиш нечун?

Биз махфий бўлган ҳеч бир маълумотга қизиқмадик. Аммо зарурат туғилганда, оммавий ахборот воситаси журналистик суриштирув ва теширувлар ўтказишга ҳақли эканлиги қонунларда белгилаб қўйилган. Айрим идораларда ички тартиб мавжуд бўлса-да, бироқ шуниси ҳам муҳимки, бу жиҳат мамлакатдаги сўз эркинлиги ва очиқлик сиёсатига дахл қилмаслиги керак.

**Ҳамзабек ТУРДИЕВ,**
**Ўзбекистон Журналистлар**
**уюшмаси аъзоси.**

## СПОРТ

# ЗАФАРЛАР ЙЎЛДОШИНГ БЎЛСИН!

**Асли Яшнободнинг “Бойқўрғон” маҳалласидан бўлган ҳамюртимиз спорт билан шуғулланишни бошлаганида ўн ёшларда эди. Болалигидан Брус Ли, Жет Ли иштирокидаги жангари фильмларни севиб томоша қиладиган болакай кино қаҳрамонлари каби машҳур бўлишни жуда-жуда орзу қиларди. Кунлар келиб, орзуси амалга ошишига дилдан ишонарди.**

**Онасининг уни “спортчи болам”, деб чақиришларидан куч оларди гўё. Яхши ният – ярим мол, деганларидек, Шерзодни бугун бутун дунё танийди. Нега дейсизми?**

Бугун Шерзод Абдуллаев – жаҳон чемпиони.

Йиллаб қилинган тинимсиз машқлар, машаққатли машғулотлар спортчини халқаро майдонларда чемпион қилиб танитди. У табиатан очиқкўнгил ва ўта меҳрибон. Меҳрибонлигидан рингда рақибига зарба беришини тасаввур қила олмаган ота-она доим ўғлидан хавотир олишарди. Йиллар ўтиб, улар ўғлининг жанг майдонида ҳақиқий арслонга айланишининг гувоҳи бўлди. Доим хавотирда яшайдиган муштипар она, ўғли иштирокидаги жанглар видеосини томоша қилавериб, алпдай фарзанднинг онаси эканлигидан ич-ичидан суюнадиган бўлди.

Шерзод илк спорт машғулотларига қатнай бошлаганида 10 яшар эди. Ўшанда у орзуси амалга ошишига чин дилдан ишонган ва бунинг учун тинимсиз ҳаракат қилиш зарурлигини англаб етганди. Болакайдаги иштиёқни сезган мураббий шогирдига меҳр қўйди. Машғулотлардан сўнг шогирди билан алоҳида суҳбатлашар, унинг барча саволларига эринмай жавоб берарди.

Спортчи устозининг ишончини оқлади. Илк мусобақалардаёқ ғалабани қўлга киритди. Кикбоксинг бўйича кўп карра Ўзбекистон чемпиони бўлди. Умидли спортчимиз 2012 йилда Португалияда бўлиб ўтган Ёшлар ўртасида бўлиб ўтган “Full contact” мусобақасида Жаҳон чемпиони бўлди. 2015 йилда эса Россияда кечган чемпионатда Катталар ўртасида Жаҳон кубоги совриндори, 2017 йилда Туркманистонда Осиё ўйинлари иштирокчисига айланди.

Шерзод Абдуллаев Америкада бўлиб ўтган мусобақаларда ҳам фаол иштирок этиб, мамлакатимиз шарафини муносиб ҳимоя қилди. 2018 йил кикбоксинг бўйича Америка очиқ чемпионатида олтин медаль соҳиби бўлди. 2019 йил “Combat at the Capital 43” шоу оқшомидаги профессионал жангда ҳакамлар уни бир овоздан ғолиб, деб эълон қилди. Шу йилнинг ўзида “Combat at the Madison Square Garden” шоу оқшомида нокаут ҳисоби билан яна муваффақият қозонди.

Профессионал спортчи юксак мақсадларни кўзлаган. Ота-онаси, устозлари сабоқларини ўзига дастуриламал қилиб олган ҳамюртимиз давлатимиз байроғи жаҳон ареналарида баланд кўтарилишидан кўнгли ифтихорга тўлади. Кикбоксинг бўйича спорт устаси сифатида ўз нуфузига эга юртдошимизнинг ҳар бир муваффақияти – халқимизнинг, Ўзбекистоннинг муваффақияти!

Зафарлар мудом йўлдошинг бўлсин, спортчи!

**Асилбек ЭГАМБЕРДИЕВ.**



Hurriyat
Mustaqil gazeta
Муассис:
Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси
Бош муҳаррир
Абдурасул ЖУМАҚУЛОВ
Газета 2007 йил 3 январда Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 0080 — рақам билан рўйхатга олинган.
Ҳажми 4 босма табоқ. Бичими — А-2.
Баҳоси келишилган нархда
Адади: 4 000
Буюртма — Г-444
1 2 3 4 5 6
Таҳририятга келган хатлар доимий эътиборимизда.
Мақола ва хабарларда келтирилган маълумотлар учун муаллиф жавобгар.
Топширилиш вақти — $21^{00}$
Топширилди — $20^{15}$
Телефон: (71) 244-32-68, 244-32-91
Тел-факс: (71) 244-32-80
Реклама ва маркетинг бўлими: (71) 244-32-70
ISSN 2181-0680
Обуна индекси: якка обуначилар ва ташкилотлар учун — 233
Манзилимиз: 100011, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.
Elektron manzil: gazhurriyat@mail.ru; info@uzhurriyat.uz
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва дизайнер Э.Ёдгоров томонидан саҳифаланди.
Навбатчи: И.Асилбеков. Мусаҳҳиҳ: З.Ҳасанова.
“Шарқ” НМАК босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.